*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Тошкент ҳақиқати

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 8 (10.004). ● 1991 йил 11 январь ● жума ● Баҳоси 6 тийин.

Тошкентдаги офсет фабрикаси жамоасининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилишади. Клара Шораҳмедова ҳам ўрта мактабни тугатиб, шу корхонага ишга келди. Қисқа вақт ичида муқоваловчилик касбини пухта ўрганди. Шу кунларда топшириқни доим ортиғи билан адо этмоқда.

Суратқаш Т. КАРИМОВ.

## План ва бюджет: охирги тўсиқлар бартараф этилди

### ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ ҚРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

М. С. Горбачев билан Б. Н. Ельцин 1991 йил учун мувақкат иқтисодий битимни имзолаганликлари натижасида Умумиттифоқ плани ва бюджетига оид ишларни тугатиш борасидаги сўнгги тўсиқлар бартараф этилди. ССЖИ Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, ССЖИ, Давлат режа қўмитасининг раиси Ю. Д. Маслюков шундай деб ҳисоблайди. У 9 январь куни ССЖИ Олий Кенгаши комитетлари ва комиссияларининг ҳамда палаталарининг кенгайтирилган қўшма мажлисида сўзга чиқди. Мажлисда шу йил учун ССЖИ Давлат плани ва ССЖИ Давлат бюджети тўғрисидаги қонунлар лойиҳасининг сешанба куни бошланган муҳокамасини давом эттирдилар.

Давлат режа қўмитасининг раҳбари Федерация Кенгашининг шанба кунига режалаштирилган мажлиси чоғида мувақкат иқтисодий битимни узил-кесил келишиб олиш имконияти борлигига умид билдирди. Унинг фикрига қараганда, марказ ва жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатларда ҳушёрлик даври бошланди, Ю. Д. Маслюков шуни таъкидлар экан ,жумладан, қуйидагиларни айтди: Федерация Кенгаши, эҳтимол, ҳужжатга қандайдир ўзгартишлар киритиш мумкин. Лекин энг муҳими, битимда ССЖИ Президенти билан Россия Федерацияси раҳбарларининг фикрига қараганда, жумҳуриятлар мустақиллиги ва ҳуқуқлари ҳамда умуман Иттифоқ ҳуқуқлари ва вазифалари ўртасида пухта ўйланган мутаносиблик топилган.

М. С. Горбачев билан Б. Н. Ельцин, Ю. Д. Маслюковнинг сўзларига қараганда, мақбул муроса йўлини топганлар, ана шунга мувофиқ корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар тўғрисидаги Иттифоқ қонунининг амал қилиши РСФСЖ бутун ҳудудида сақланиб қолади. У айни вақтда ССЖИ Президенти билан Россия парламенти раиси эришган аҳдлашувга мувофиқ, Россия ўзининг бюджетини маблағ билан таъминлаш қоидаларини ҳисобга олиб, Иттифоқ қонунини қўлланиш тартибини ўзгартириши мумкин. Айни вақтда жумҳуриятлар билан марказнинг ўзаро даъволари ҳам назарда тутилади.

Қўшма мажлис қатнашчилари Иттифоқ Кенгаши план ва бюджет-молия комиссиясининг раиси В. Г. Кучеренконинг таклифига мувофиқ Иттифоқ ҳукумати бошқа вакилларининг қисқача ахборотларини ҳам тингладилар, улар депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар.

ССЖИ молия вазири В. С. Павлов мувақкат иқтисодий битим лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида ҳуқуқ доирасини тақсимлаш ва шунга мувофиқ марказ билан жумҳуриятлар ўртасида даромадлар ва харажатларни тақсимлаш аниқлаб олинганлигини таъкидлади. Жумладан, оборот солиғининг ўттиз фоизини илгари Иттифоқ бюджетига бериш мўлжалланган эди, энди у тўла ҳажмда жумҳуриятларнинг бюджетига ўтказилади. Унинг миқдори умуман мамлакат бўйича 35 миллиард сўмни ташкил этади. Янги йилдан қўлланиладиган савдо-сотиқдан олинадиган янги солиқ, молия вазирининг сўзларига қараганда, мамлакат бюджетига 69 миллиард сўм фойда келтиради. Депутатларнинг кўпчилиги солиқнинг жорий этилиши пулнинг қадрсизланиш жараёнини кескин кучайтиришини ҳисобга олиб, унга қарши чиқмоқда.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши давлат ташқи иқтисодий комиссиясининг раиси С. А. Ситарян депутатларга мамлакатдаги валюта билан боғлиқ аҳвол тўғрисида ахборот берди. Унинг сўзларига қараганда, аҳвол ниҳоятда танг бўлиб турибди, экспорт кескин қисқармоқда. Жумладан, план бўйича 1990 йилда 120 миллион тонна нефть экспорт қилинганлиги, бу йил эса унинг ҳажми роппа-роса икки баравар камайиши маълум қилинди.

Ҳукумат аъзоларига, шунингдек турли идораларнинг мажлисда ҳозир бўлган раҳбарларига берилган саволларнинг кўпчилигида муайян бир маъно мужассам бўлган эди: мамлакат Олий Кенгаши бюджет лойиҳасида акс эттирилган жуда катта камомад билан бир вақтда ҳар бир сўмдан иложи борича кўпроқ самарали фойдаланишга умид қилмоқда. Шу муносабат билан ССЖИ Давлат банки бошқарувининг раиси В. В. Герашченко келтирган рақамлар залда жонланиш уйғотди. Бу рақамларда Давлат банки ўтган йили кооператорларга берган қарзларнинг самарадорлиги тавсифлаб берилганди. Бу қарзлар (6 миллиард сўм) харидоргир моллар ишлаб чиқаришни ва хизматларни кўпайтиришни рағбатлантириши кутилган эди. Афсуски, бундай бўлмади. Барча кооперативларнинг бешдан тўрт қисми корхоналарнинг «паноҳида» бўлишди ва ўзларининг дастлабки мақсадларига мутлақо мос келмади.

Қўшма мажлиснинг кечки иккинчи ярми ёпиқ деб эълон қилинди. ССЖИ Мудофаа вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетининг раҳбарлари депутатларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ, В. ШИШЛИН.

*Бошланғич партия ташкилоти котиблари йиғилиши*

## ТЎРТИНЧИ КУН

Аввалги репортажларимиздан маълум бўлиши керак: БПТ котибларининг семинар-кенгаши ҳар куни вилоят партия қўмитаси биринчи котибининг қисқача кириш сўзи билан очилади. Солижон Мамарасулов 10 дақиқалик чиқишини алоҳида, тармоқларга қараб мўлжаллаб тузиб, йиғилганларни шу кунги йиғилишга «тайёрлаб» боради, жамоа хўжаликлари котибларига ҳосилдорлик ҳақида сўзланса, савдо-сотиқ тармоқларидаги котибларга ҳозирги тақчиллик шароитида ижтимоий адолат бўлиши учун БПТ котиби нималар қилишга қодирлиги таҳриба орқали тушунтирилади. Бу эса ўша куни йиғилганларни эрталабданоқ қизғин баҳсга ундайди. Мулоқотларнинг жонли ўтишига ҳам қўпинча ана шу «туртки» сабаб бўлмоқда.

9 январь куни бўлиб ўтган семинар-кенгаш қатнашчилари муассаса, ташкилот, бошқарма ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари котибларидан иборат бўлди. Бугал вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби В. Г. Гришчук маъруза қилди. Нотиқ коммунистларнинг бўлиб ўтган сўнгги съездларидаги қабул қилинган қарорларни ҳаётга тадбиқ этишда БПТ котибларининг роли тўғрисида гапириб, бу ишда уларга катта ишонч билдирилганини қайд қилиб ўтди. Нотиқ шу пайтгача КПССда бўлаётган сиёсий ўзгаришлар ишни аниқ бир йўналишда олиб боришга ҳалақит бераётган бўлса, жумҳурият компартияси биринчи маротаба ўз Устави ва Ҳаракат дастурини қабул этганлиги айни муддао бўлганлигини, бу эса коммунистларнинг танланган йўлига «нур-чироқ» бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. Куннинг иккинчи ярмида кенгаш иштирокчилари уч гуруҳга бўлинган ҳолда секцияларда иш олиб бордилар. В. Г. Гришчук ҳамда вилоят партия қўмитаси ҳуқуқ масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Т. Омонбоев бошқарган биринчи секцияда иш айниқса, жонли кечди. Бошланғич партия ташкилотлари бу ерда ўзларининг ҳуқуқий ҳимояланишлари ва умуман олиб бораётган ишларида дуч келадиган баъзи келишмовчиликларни қай йўсинда ҳал этиш тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлдилар.

Қолган икки секцияни вилоят партия қўмитаси ташкилой-партиявий ва ҳуқуқий масалалар бўлими мудири ўринбосари С. Е. Москаленко, вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси И. И. Федоринов ҳамда Янгийўл шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби Д. А. Касаткин, вилоят партия қўмитасининг масъул ходимлари С. М. Ракитина ва С. С. Ҳикматовлар бошқариб бордилар.

Ушбу секцияларнинг иши якунланганда сўнг ҳар гуруҳдан 1—2 тадан вакил сайланиб, улар кун тартибидан жой олган давра суҳбати ташкилотчиларига саволлар бердилар.

Бу давра суҳбатига Тошкент вилоят ижроия қўмитаси бошқармаларининг раҳбарлари ташриф буюриб, улар котибларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтардилар.

И. АБРОРОВ.

## ЁШЛАРНИНГ МУРАББИЙСИ

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Займа Эдельберг «Ўз касбининг устаси» ва «Ёшларнинг мураббийси» деган икки фахрий номга сазовор бўлди. У учинчи ип йигирув фабрикасида пахтани титиб берадиган дастгоҳда оператор бўлиб ишлайди. Тўққиз йил ичида у ўзи ишлайдиган 6 та машинани жуда яхши билиб олди. У узилган пилтани бир неча дақиқада улаб, дастгоҳни ишга тушира олади. Шу сабабли унинг дастгоҳлари деярли бекор туриб қолмайди. Натижада у ҳар ойда режага қўшимча етти тонна таралган пилта ишлаб чиқаради. Айни вақтда Займа ёш ходимларга иш ўргатишга вақт топади, уларга ўз маҳорати сирларини сахийлик билан ўргатади.

(ЎзТАГ мухбири).

## Литва ССЖ жамоатчилиги вакиллари билан учрашув

ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг топшириғига биноан 9 январь куни ССЖИ Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раиси Р. Н. Нишонов ва унинг ўринбосари Б. И. Олейник Литва ССЖ демократик-жамоат ташкилотларининг бир гуруҳ вакиллари билан учрашдилар.

Жумҳурият партия, хотин-қизлар, ёшлар, фахрийлар ташкилотлари, илмий ташкилотларнинг, шунингдек меҳнат жамоаларининг 16 нафар вакили Литва маъмурларининг Конституцияга зид, Советларга қарши хатти-ҳаракатлари оқибатида Вильнюсда, Литванинг бошқа шаҳарларида ҳамда манзилгоҳларида жуда мушкул ва хатарли вазият вужудга келгани ҳақида ахборот берди.

Улар Литвада фуқароларнинг энг оддий ҳуқуқлари қўпол равишда бузилаётганига, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари камситилиб, таҳқирланаётганига, совет жангчиларининг қабрлари оёқ ости қилинаётганига, ёдгорликлар бузиб ташланаётганига, ССЖИ Конституцияси ва қонунларининг асосий қоидалари мутлақо писанд қилинмаётганига алоҳида эътиборни қаратдилар. У ерда маъмурлар қуролли бўлинмалар тузилишига йўл қўйиб бермоқдалар ва ҳатто бу ишни тўғридан-тўғри қуллаб-қувватламоқдалар.

Суҳбат қатнашчилари аслида Литва миллатига мансуб бўлмаган аҳолини жумҳуриятдан қисиб чиқаришга қаратилган кучли, аниқ мақсадни кўзловчи миллатчилик-шовинистлик тарғиботи Литвадаги аҳволни баттар мушкуллаштираётганини таъкидладилар. Жумҳуриятда расмий маъмурлар ўтказаётган сиёсат, шунингдек нарх-навонинг бир неча бор оширилиши аҳолининг оммавий норозилигига сабаб бўлди. Вильнюсда, Клайпедада ва бошқа жойларда ўтказилган норозилик митингларида аҳоли ҳукуматнинг истеъфога чиқишини, жумҳурият Олий Кенгаши ўз раиси В. Ландсбергис бошчилигида ўз ваколатларини соқит этишини талаб қилиб чиқди.

Литва жамоатчилигининг вакиллари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсизлигини ва нормал турмуш шароитини таъминлаш учун Литва ССЖда Президент бошқарувини жорий этишни илтимос қилдилар.

(ТАСС).

*• Шахсий фикр •*

## ЭЛГА САДОҚАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Оч қолмаётганимиз учун минг бора шукр. Жумҳуриятимиздан беш-ўн қадам нарига юрган киши борки, она юртимизга қайтгач, шу ерда туғилганидан, саҳоватли заминимиз бағрида истиқомат қилаётганидан беҳад қувонади. Яқинда танишларимдан бири Киевга бориб келди. Сафар таассуротларидан унча-мунча гапириб берди. Қўлида қупони бўлмаган учун ошхонада овқат беришмабди.

— Ҳаммасидан ҳам алам қиладиган жойи, — дейди у, — навбатда турган юз нафарча кишидан кейин етиб борганимда шу иш бўлди. Ҳижолатдан ўзимни қаерга қўйишни билмадим. Лекин ҳолимга биров ачиниш билдирганича йўқ. Юрагимда аламли дард билан кўчага чиқдим. Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деганларидек, анчагача дилим ҳуфтон бўлиб юрди...

Уни тинглаяпман-у, кўз олдимда урушнинг оғир йилларида, бир парча қора нонини асраб олган болаларига бўлиб бераётган Баҳрихон ая, украинлик, белоруссиялик норасидалар ризқини деб, оби оташ олдида куну-тун тер мирчилик қилган Шомаҳмуд отанинг сиймолари кўз ўнгимда гавдаланади. Эҳ-ҳе, бундай меҳрбахш онлаларда кимларнинг бошини силамадик. Кимларнинг эгнини бутлаб, қорнини тўйғазиб, қалб қўримиз тафти билан рўшнолик бағишламадик, дейсиз.

Баъзан тангри бизни ўзи меҳр-шафқат учун яратган экан, деган ҳаёлларга бораман. Бу бир томондан кўнглимни нифтихорга тўлдирса, гоҳо эса ана шу раҳмдиллигимиз, ўта ювошлигимиз туфайли кейинги пайтларда иззат-нафсимизга тегувчилар, қадримизни ерга урувчилар кўпайиб кетмадимикин, деб ўйлайман ҳам. Ана шу мулоҳазаларим асослидек бўлиб туюлаверади. Далиллар эса қалашиб кетади. Келинг, булардан айримлари ҳақида фикр юритиб кўрайлик.

Тақдиримизга бефарқлик билан қарашда марказий матбуот ҳам анчагина «хизмат кўрсатиб» қўйди. Айрим мухбирларнинг миллатлар орасига низо солишга интилишдек мунофиқликлари ҳақида жумҳуриятимиз президенти анжуманларда жон куйдириб гапиришига, депутатлар жиддий эътирозлар билдиришларига қарамай, марказда ҳамон бунга назар-писанд қилинаётгани йўқ. Жумҳуриятимизга атайлаб доғ туширишга «бел боғлаганлар»нинг жазосиз қолиши эса янги-янги уйдирмалар, ғиболарга йўл очмоқда. Узоққа бормайлик, яқиндагина рўй берган Наманган воқеаси муносабати билан ТАСС ахбороти бунга яққол далолатдир. Бу сохта маълумот қисмларда хизмат қилаётган ўзбек жангчиларига яна қатор нохушликлар келтирмаслигига, таъна тошлари отилмаслигига ким кафолат бера олади. Ҳеч ким...

Яхшиямки, жумҳуриятимиз прокурори марказий телевидение орқали сўзлаб ТАСС шошма-шошарликка йўл қўйганлигини алоҳида таъкидлади. Албатта, бу тушунчаларни маълум даражада ўзгартириши мумкин. Лекин бу ҳали етарли эмас. Менимча, хабарни нотўғри тарқатганларни топиш, уларни матбуот ҳақидаги қонун асосида судга бериш керак. Натижасини эса яна телевидение орқали халққа маълум қилиш лозим. Акс ҳолда бўҳтонлардан, «қоракуя» суртишлардан қутулмайдиганга ўхшаймиз. Ҳаётимизда бунга мисоллар кам эмас. Унчалик узоқ бўлмаган фурсат ичида жумҳурият меҳнаткашлари озмунча жафо чекмадилар. Гдлян бошчилигидаги гуруҳ «хўлу қуруқни» баравар ёндирганн етмаганидек, «четдан қадрлар талаб» қилиб, бошимизга маломатлар орттирдик. Улар тақдиримиз билан қўғирчоқ ўйнагандек ўйнашди. Не-не ишбилармон мутахассислар, фидокор, ҳалол раҳбарлар бегуноҳ қамалдилар, ишдан олиндилар. Кейин эса «фаолиятларида жиноий кўринишлар бўлмаганлиги» сабабли оқланишди. Лекин миллаб кишиларнинг кўрган маънавий зарарлари, умр йўлдошлари, фарзандлари тортган азобларини ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч нарса билан қоплай олмаслиги уқубат кўрганлар дилида бир умрга алам бўлиб қолди. Шуниси ажабланарлики, бегуноҳларни қамаганларни эса биров суриштириб, жуда бўлмаганда «мушугини пишт» деб қўйганича ҳам йўқ.

Шу пайтгача ўзим кузатган, дилимни ларзага солган воқеалар тўғрисидаги мулоҳазаларимга шу ерда нуқта қўйишим мумкин эди. Аммо элимизнинг қадр-қимматини пастга ураётган, уларнинг ихлосини қайтараётган ҳолатлар фақат шуларнинг ўзигина эмас. Чуқурроқ мушоҳада қилган ҳар бир инсон борки, бугун меҳнаткашлар икки томонлама мушкулликларга дуч келаётганликларининг гувоҳи бўлади. Бу — биринчидан, бизни ёмон отлиққа чиқармоқчи бўлганларнинг турли тамғаларни ёпиштиришга интилиши бўлса, иккинчидан — ички ҳаётимиздаги сунъий тўсиқлардир.

Одамлар кайфиятига салбий таъсир кўрсатиш, уларни нафратлантириш жиҳатдан кейинги ташвишлар етказаётган зиёнлар биринчисиникидан кам эмас. Зероки, улар оила фаровонлиги, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида жумҳурият президенти, унинг ҳузуридаги маҳкама белгилаган қатор ҳаётий тадбирларни рўёбга чиқаришда ғов бўлиб келмоқда. Бу ўринда мен жойлардаги партия, совет ташкилотларининг бирин-кетин чиқаётган халқчил фармонларга, юқори орган қарорларига муносабатлари ҳақида тўхталмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас, деҳқонларга, қолаверса, шаҳар аҳолисига ҳам ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорни жумҳуриятимиз ахли қувонч билан кутиб олди. Кўп жойларда бу муаммо жадал ва холисона ҳал этилди ва этиллмоқда. Лекин бу кўрсатмани бажаришда таъмагирликка йўл қўяётган, атайлаб колхозчиларга ер беришни у-бу баҳоналар билан пайсалга солаётган, ўзларини ҳамон тўраларча тутаётган раҳбарлар ҳам ҳали анчагина. Худди ана шундай кишиларнинг лоқайдлиги, маъсулиятни ҳис этмасликлари, одамларга бемеҳрлиги партия обрўсига путур етказмоқда.

Жумҳуриятимизда оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида қабул қилинган фармонларнинг бажарилиши ҳам ўлда-жўлда бўлиб қолмоқда. Ҳамма мактабларда ҳам болаларни бепул нонушта билан таъминлаш ишлари силлиқкина боряпти, деб бўлмайди. Айрим жойларда уларнинг «нонини туя» қилиш ҳоллари барҳам топмаяпти.

Е бўлмаса баъзи савдо шохобчаларидаги аҳволни олинг. Ўзи шундоқ ҳам пештахталар бўш, одамлар асаби таранг. Лекин айрим сотувчилар шу ҳолатда ҳам эл наслбасини «гумдон» қилишдан, ошириб сотиш, фойда орттиришдан заррача жирканишмаяпти. Дўконларда умрингиз бино бўлиб кўрмаган ноёб буюмларни чайқовчи кўз-кўз қилиб, бирни ўнга пуллаётгани билан ҳам ҳеч ким етарлича қизиқаётгани йўқ.

Юзаки қараганда, менинг мулоҳазаларим аниқ мисоллардан ҳоли бўлганлиги учун умумий гаплардан иборатдек кўринади. Аслида мақсад ҳам фактларга мурожаат қилиш эмас. Бундай иллатлар хоҳлаган шаҳар, ноҳияда истаганча топилади.

Дилда йиғилиб қолган бу дардларни тўкишдан мақсад ягона: ўз элимизнинг тақдирига бунчалик бешафқат бўлмайлик, ўзлигимизни, ифтихоримизни ҳамиша юксак тутайлик, халқ ризқи-рўзига чанг солмайлик, демоқчиман. Туғилиб, фақат меҳнатни билган халқимизнинг жонига шу оғир кунларда оро кирайлик, унга мадад бўлайлик, демоқчиман!..

Сандвали ҲАСАНОВ, журналист.

## ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### СЎНГГИ САЪИ—ҲАРАКАТЛАР, СЎНГГИ УМИДЛАР

● ЯҚИН кунлар ичида Форс кўрфази минтақасида уруш бошланадими ёҳуд тинчлик ўрнатиладими? Жаҳон ахборот воситаларининг бутун фикри-зикри ҳозирги кунларда ана шу саволга қаратилмоқда. 9 январь куни Женеванинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси биносида Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Жеймс Бейкер билан Ироқ ташқи ишлар вазири Тариқ Азиз ўзларининг дастлабки учрашувларини бошладилар. Бу учрашувдан умид катта: ҳар икки томон бирон-бир ижобий тўхтамга келишармикин?!

Ж. Бейкер Женевага етиб келган куни ҳеч қандай баёнот бермади. Т. Азиз эса баёнот бериб, у Женевага очиқ-ойдин, асосли ҳамда ижобий мусоҳаба олиб бориш учун келганлигини айтди. Шунингдек, у Америка томони ҳам баайни шундай йўл тутади, деб умид билдирди.

Кеча Оқ уй матбуот котиби М. Фицуотер қуйидаги хабарни тарқатди: АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер президент Ж. Бушга ўзининг Ироқ ташқи ишлар вазири Т. Азиз билан олиб бораётган музокаралари ҳақида ҳисобот йўллади. М. Фицуотер сўзларига қараганда, ҳар икки мамлакат ташқи алоқалар маҳкамалари бошлиқларининг учрашуви «мазмунли» ўтмоқда.

ТАСС хабарларига қараганда Ж. Бейкер билан Т. Азизнинг Женевага келиши муносабати билан уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фавқулодда чоралар кўрилди. Музокара жойи полициячи бўлинмалари томонидан мустаҳкам халқага олинди. Унга туташ бўлган кўчаларда автомашиналарнинг юриши тақиқлаб қўйилди. Махсус рухсатнома олган журналистлар «Интерконтиненталь»да содир бўлаётган воқеаларни катталаштирилган телевизион экран орқали кузатмоқдалар.

### ИККИ ШАҲАР БИРОДАРЛАШДИ

● ССЖИ ПОЙТАХТИ Москва билан Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳарларининг биродарлашганлиги расмий равишда эълон қилинди. Бу ҳақдаги қарорни Буэнос-Айрес шаҳар Кенгаши якдиллик билан маъқуллади. Пойтахт муниципалитетида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ССЖИнинг Аргентинадаги элчиси В. В. Никитинга эсдалик медали ҳамда махсус ёрлиқ топширилди. Бу ашёлар ҳар икки шаҳар биродарлиги рамзидир.

### АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

● АФҒОНИСТОН Жумҳурияти президенти Нажибулло махсус фармон чиқарди. Унга биноан шу йилнинг февраль—март ойлари мобайнида маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар бўлиб ўтиши лозим. Бахтар агентлигининг хабарларига қараганда, президент Афғонистон Жумҳурияти Вазирлар кенгаши зиммасига 10 кун ичида сайлов комиссиялари тузиш масъулиятини юклади.

### БИР ФАЛОКАТ ТАФСИЛОТИ

● СОВЕТ Иттифоқи ахборот воситаларида Швеция ҳудудида Совет ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли СУ-24 қирувчи самолётининг фалокатга учраганлиги эълон қилинган эди. Швеция томони бу фалокатга бахтсиз ҳодиса деб қараётганлигини билдирди. Тайёра учувчиларини қутқаришда ва уларга дастлабки ёрдам кўрсатишда Швеция томони ижобий саъи-ҳаракатлар кўрсатди. Ўтган сешанба куни мамлакат мудофаа штабининг вакили ўз сўзида юқоридагиларни гапириб берди. Қутқарилган ҳар икки совет учувчиси сешанба куни тунда Готланд маъмурий маркази Висбюдан Стокгольмга келтирилди. Улар бу ерда совет элчихонаси ходимлари билан учрашадилар ҳамда ўз ватанларига қайтиш йўлларини келишиб оладилар.



● САУДИЯ Арабистони ҳудудида турган Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий қисмлари бўлажак урушга шиддат билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Мазкур ҳозирлик «Дезерт шилд» номи остида ўтказилмоқда. Америка аскарлари ўрганилмаган бир шароитларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш, дам олиш, янгича муҳитга мослашиш кўникмаларини ҳосил қилмоқдалар. Суратда: ҳарбийлар машқлардан сўнг маъданли сув истеъмол қилмоқдалар.

ТАСС сурати.

### ТУТҚУНЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

● ФАЛАСТИН ФАТХ ташкилоти — инқилобий кенгаши уч йилдан буён мажбурий равишда ушлаб турилган тўрт нафар Бельгия фуқаросини озод этганликларини хабар қилди. Эммануэль Утекен, унинг рафиқаси ҳамда икки фарзанди 1987 йилда Ўрта ер денгизида «Силко» кемасида сайр қилиб юрган пайтларида ўғирлаб кетилган эдилар. Бельгия фуқаролари озод этилгач «араб мамлакатларидан биригa» кузатиб қўйилдилар. Мазкур ташкилот вакили Валид Холиднинг гапларига қараганда, бу тутқунлар Бельгия ҳибсхонасида умрбод қамоқ жазосини ўтаётган фаластинлик Носир Саидга алмаштириш шарти билан бўшатилдилар. Н. Саид 1980 йилда террорчилик қилганлиги учун умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилган эди.

# ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ҳамда Тошкент вилояти партия қўмитаси қошидаги «Мулоқот» ижтимоий-сиёсий марказининг навбатдаги йиғилиши иштирокчилари ана шу саволга жавоб топишга ҳаракат қилдилар. Йиғилишда партия ва кенгаш ходимлари, Ўзбекистон ССЖ ҳамда маҳаллий кенгаш халқ депутатлари, шаҳар ва ноҳия партия қўмиталарининг иккинчи котиблари, шаҳар ноҳия ва халқ депутатлари кенгашлари раисларининг муовинлари, шунингдек ижтимоий сиёсий ҳаракатларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Иттифоқ шартномасининг муҳокамаси ҳозирги кунда долзарблиги билан алоҳида ўрин тутади. Чунки жумҳуриятларнинг эртанги куни уни қай ҳолатда имзолаш билан боғлиқдир.

«Мулоқот» клубининг аъзолари ҳам шу куни талайгина фикрлар айтиб, иттифоқ шартномасига ўз муносабатларини билдирдилар.

Жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси лекторлар гуруҳининг бошлиғи А. Жалолов умуминсоний қизиқишларга кўпроқ эътибор берилишини, гуруҳ ва синфий афзалликлар ҳисобга олинишини, мулкчилик ўзи нима эканлигини қатъий аниқлаб олиб, ана шу асосда давлат муносабатларини қуришни, бозоримиз умумий бўлишини, иттифоқ атамасини аввалгидек қолдиришни таклиф этди. Тошкент қишлоқ хўжалиги институти кафедра доценти И. А. Каримов иттифоққа киришнинг янги тенг ҳуқуқли шартлари, иттифоқни янгилашнинг ижтимоий-сиёсий шароитлари, жумҳуриятларнинг табиий бойликларидан фойдаланиш бўйича ваколатлар иттифоқ ва жумҳуриятлар суверенитетининг уйғунлаштирилуви, бюджетдаги тўловлар улуши масалаларига эътиборни қаратди.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутати, Паркент ноҳиясидаги «Коммуна» шўро хўжалиги директори А. Ҳожиматов иттифоқ бошқаруви тузилмасини қисқартириш, сиёсий суверенитетни иқтисодий суверенитет билан тўлдириш, марказий органларга иттифоқ даражасида жумҳуриятманфаатларини ҳимоя қила оладиган ўз вакилларимизни юбориш, иттифоқ бюджетига фақат умумиттифоқ дастурлар, мудофаа ва ҳоказоларни амалга ошириш учун сарфлашга мўлжалланган тўловлар белгилаш лозимлиги ҳақида гапирди. Бу нуқтаи назар Ангрен шаҳри, Оҳангарон ва Ғалаба ноҳияси вакиллари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Г. Х. Сидаков инсоний манфаатлар устунлиги, жумҳуриятларнинг кўнгилли иттифоқи тарафдори эканлигини билдириб, социализмнинг энг яхши фазилатларидан фойдаланиш, хусусан қобилиятига яраша ишлаб, меҳнатига яраша ҳақ олиш учун шароит яратиб бериш, бунинг афзаллик томонларини кишиларга кўпроқ тушунтириш лозимлигини уқтирди. У бўлиб ўтаётган мунозара кўнгилдагидек ташкил этилгани ва унинг ҳар бир иштирокчиси мазкур тадбирдан анча таассурот олганини таъкидлади. Бундан буён ҳам тез-тез маслаҳатлашиб туриш, нуқтаи назарларни қиёслаш, умумий фикрга келиш имконини беруви йўналишлар излаб топишни давом эттириш керак.

Вилоят кенгаши депутати М. Мираҳмедов (Янгийўл ноҳиясидан) иттифоқ аъзоларининг бошланғич имкониятларини тенглаштириш, айниқса Ўрта Осиё жумҳуриятлари мисолида бунга амал қилиш, уларни иттифоқ ёрдами ҳисобига ривожланган жумҳуриятлар даражасига етказиш, иттифоқ жумҳуриятлар иқтисодий суверенитетини таъминлаши тарафдори эканлигини билдирди.

Пискент ноҳия партия қўмитаси иккинчи котиби М. А. Ҳайдарова, Янгийўл ноҳия партия қўмитаси иккинчи котиби Д. А. Касаткин, Оҳангарон ноҳия Кенгаши раисининг ўринбосари М. Дўсбоев, Тошкент ноҳия Кенгаши раисининг ўринбосари Г. Йўлдошева, олмалиқлик депутат Ш. Маматқулов, ангренлик депутат И. Сайфулин ва бошқалар лойиҳага жиддий ишлов бериш, бюджетларга миллий даромаддан ажратмалар ҳажмини кўрсатиш, шартнома аъзолари томонлари ҳуқуқий масъулиятини белгилаб қўйиш, иттифоқдан чиқиш шартларини кўрсатиш, жумҳуриятлар ва минтақалар миллий хусусиятларни имкони борича кенгроқ ҳисобга олиш зарурати тўғрисида сўзладилар.

Клуб фаолиятида иштирок этаётган профессорлардан А. Н. Михайлов, Қ. Х. Хоназаров, И. Н. Неткачев шартноманинг баъзи бандларини шарҳлаб бериб, кўпгина саволларга жавоб қайтардилар. Улар хусусан мустаҳкам иттифоқ, ҳар томонлама пухта шартнома зарурлигини таъкидлашди. Унинг қабул қилиниши учун эса консенсус, суверен иттифоқ ва суверен жумҳуриятлар имкониятлари ҳамда манфаатларини назарда тутмоқ зарур. Олимлар босқичма-босқич келишиш, бунда аввал иқтисодий сўнгра эса сиёсий аспектлар бўйича ўзаро ҳамкорлик битимларини тузиш тарафдорлари эканликларини билдирдилар. Чоп этилган шартнома асосига зарур тузатишлар киритиш, лойиҳанинг баъзи бандларига қайта ишлов бериш зарур ва ҳоказо.

Йиғилиш иштирокчилари якдиллик билан қуйидаги фикрга келишди.

1. Янгиланган кўринишдаги Иттифоқ зарур.

2. Жумҳуриятимиз манфаатларига зидлик қилмайдиган Иттифоқни қўллаб-қувватлаш лозим.

3. Ҳозирги кўринишдаги Шартнома лойиҳаси талабга жавоб бермайди, уни тубдан қайта ишлаш, бу ишни жумҳуриятлар вакилларига топшириш керак.

4. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларда суверен жумҳуриятлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаб қўйиш даркор.

5. Жумҳуриятлар ҳуқуқларини камситувчи ва чеклаб қўювчи зиддиятлар бартараф этилмоғи лозим.

Клубнинг ушбу йиғилишини Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Тошкент вилоят партия қўмитаси ижтимоий-сиёсий маркази мудири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкура бўлими мудирининг ўринбосари С. Ш. Қурбонов бошқариб борди.

Мазкур тадбирда Тошкент вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Р. Қ. Турсунов иштирок этди.

**А. ЛАТИФОВ,**
**Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Тошкент вилоят партия қўмитаси ижтимоий-сиёсий маркази маслаҳатчиси.**

*

**«Зенит» заводида Любовь Скотникова номини ҳамма ҳурмат билан тилга олишади. Ўз касбини пухта эгаллаган юқори малакали қиз икки йилдан ошиқроқ вақтдан бери бригада жамоасига муваффақият билан раҳбарлик қиляпти.**

**Суратқаш Т. КАРИМОВ.**

*

# МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ КЎП НАРСАГА ҚОДИР

ШАҲАРДАГИ маҳалла қўмиталари раислари ва котибларининг ойлик маош олиб ишлашларини жорий этиш синов даврини муваффақиятли ўтаяпти дейиш мумкин. Ижтимоий бошқарув системасида жорий этилган бу кичик янгилик қандай пировард натижа бериши мумкинлигини айрим маҳаллалар мисолида чамалаб кўриб, хулоса чиқарса бўладиган пайт келди. Вилоят ижроқўмининг шаҳар ва шаҳар ноҳияларидаги маҳалла қўмиталари ролини ошириш тўғрисида қарори қабул қилинганидан сўнг орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига шу масала ҳам киритилиб, синов даври жойларда қандай кечаётганлиги Бекобод шаҳар маҳаллалари қўмиталари фаолияти мисолида кўриб чиқилди. Шаҳар ижроқўми янгиликни бошданоқ пухта жорий этиш мақсадида аввал ҳамма шароитларни ҳисобга олган ҳолда 18 та маҳалла қўмитасини тузди. Улар ишини бир ердан бошқариш ва уйғунлаштириб бориш учун шаҳар коммунал хўжалиги идорасида бошқарувчи лавозимини таъсис этди.

Маҳалла қўмиталари раисларини танлаш маҳалла аҳлининг ўзига қўйиб берилди, яъни раислар маҳаллаларда ўтказилган умумий йиғилишларда холис йўл билан обрўли кишилардан сайланди.

Раис ва котибнинг ойлик маош тўланадиган лавозимлари жорий қилингач, шаҳардаги маҳалла қўмиталарининг ижтимоий муаммо, ободончилик, маданият, жамоат тартибини сақлаш, ёшлар тарбияси масалаларига оид ишлари анча жонланди. Ҳашар йўли билан бўладиган маданий-маиший қурилишлар кўлами кенгайди. Чунончи, 1990 йилда маҳалла қўмиталарининг фаол иштирокида 30 тадан кўпроқ кўчага асфальт ётқизилди, уч чақирим узунликда йўлкалар қурилди, учта янги автобус йўналиши ва бир йўналишда қатнайдиган такси ҳаракати йўлга қўйилди, 8 чақирим узунликдаги сув қувурлари алмаштирилди, иккита кўчадаги хонадонлар газлаштирилди.

О. Хожиматов раислик қилаётган Муқимий маҳалла қўмитаси шу қисқа муддатда анча ишлар қилди. Маҳалладаги кўчаларнинг қариб ярми асфальтланди, 2 та кўчага сув қувурлари тортилди. Бундан ташқари маҳалла қўмитаси оталиқ ташкилот ҳисоблануви Ўзбекистон металлургия заводи билан ҳам жуда яхши алоқада. Завод ёрдамида маҳалла қўмитаси биноли бўлди, бино тўла жиҳозланди, янги чойхона ишга тушди, қариялар уйи ва спорт майдончаси қуриляпти.

Маҳаллада ёшлар тарбиясига эътибор тубдан ўзгарди, уруш ва меҳнат ветеранлари, афғон воқеалари иштирокчилари билан учрашувлар уюштирилиб, ёш авлод онгини бойитишга ҳаракат қилинмоқда.

*Вилоят Кенгаши ижроия қўмитасида*

Ҳозир шаҳар маҳалла қўмиталари ўз ҳудудларида ҳуқуқ-тартибот муҳофазасини яхшилаш, ҳуқуқбузарликнинг, айниқса ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган амалий ишларни кучайтирмоқда. Бу борада шаҳарнинг маъмурий идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилаётган маҳаллаларда вазиятни юмшатишдан ташқари савдо ва бошқа хизмат соҳаларида ҳам анчагина тартиб ўрнатишга эришилди.

Бекобод маҳалла қўмитасининг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш соҳасидаги иш тажрибаси диққатга лойиқ. Бу маҳаллада баъзи арақхўрлар текинхўрлар, маҳаллада ўз обрўсини бутунлай йўқотган бошқа кимсалар аҳолига беш қўлдек маълум. Шундай бўлгани учун маҳалла қўмитаси аъзолари уларнинг кундалик босган қадамларидан кўз-қулоқ бўлиб туришади.

Муқимий, Ленинград, Ҳ. Олимжон, С. Раҳимов, Аббосов, Бекобод, Комсомол маҳалла қўмиталари аъзоларининг, жамоатчи фаолларнинг, шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг ўзаро ҳамкорлигида ўзини ўзи муҳофаза қилиш постлари, маҳалла аҳлидан кўнгилли халқ дружиналари тузилиб, улар худудий милиция назоратчилари билан узвий алоқада ишламоқдалар. Умумий адлиявий таълим, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилишга қаратилган ваъзхонлик ва суҳбатлар савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда.

Аҳолининг талаб ва истакларини янада тўлароқ қондириш мақсадида навбати билан ҳар ойда битта маҳаллада шаҳарнинг раҳбар идоралари бошлиқлари, масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундай учрашувларда шаҳар ижроқўмининг ҳамма бўлимлари ва бошқармалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда маҳалла ҳудудидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этадилар. Учрашув чоғида билдирилган ҳамма фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар назоратга олиш ва мавруди билан ҳал этиб бориш учун ижроқўмда жамланади.

Ижроқўм мажлиси қилинган ана шу яхши ишларни қайд этиш билан бирга бу соҳада ҳали мавжуд бўлган талайгина камчилик ва нуқсонларни ҳам таҳлил қилиб, шаҳар ижроқўмининг навбатдаги зарур юмушларини белгилаб берди. Шаҳардаги 18 та маҳалла қўмитасидан 3 таси шу пайтгача алоҳида хона билан таъминланмаган, 6 та маҳалла қўмитасида телефон йўқ.

«Маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом» ҳали кўпгина маҳалла қўмиталарига етиб бормаган. Шу сабабли кўпгина раислар ўзларининг ҳуқуқ ва вазифалари хусусида аниқ тасаввурга эга эмаслар, бинобарин уларнинг кундалик ишлари ободончилик билан шуғулланиш ва маҳалла аҳлига у ёки бу идорага олиб бориладиган ҳужжатларни ёзиб беришдангина иборат бўлиб қолаяпти. Иш юритишда лозим тартиб йўқ, мажлис ва бошқа тадбирларнинг ёзма баёни қайд этилмайди. Натижада маҳалла қўмитаси нима ишлар қилганлигини на аниқлаб, на баҳо бериб бўлади.

Шаҳар ижроқўми ўзининг ижтимоий масалалар муҳокама қилинадиган мажлисларига маҳалла қўмиталари вакилларини таклиф этмайди. Бунинг устига бу йилги бирорта мажлисда вилоят ижроқўмининг маҳалла қўмиталари ролини ошириш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётгани масаласини кўриб чиқмади. Яхши ишлаётган маҳалла қўмиталари тажрибасини оммалаштириш чораларини кўрмади, фаоллар учун ўқув машғулотларини уюштирмади.

Шаҳар ижроқўмининг кечиктириб бўлмайдиган зарур ишларидан бири шуки, ҳозироқ маҳалла қўмиталари кенгашини тузиши ва унинг дастлабки кунданоқ фаол ишга киришиши учун ижроқўм биносида алоҳида хона ажратиши керак. Шунингдек ҳамма маҳалла қўмиталарида маҳалла ҳаётининг турли йўналишлари бўйича жамоатчи комиссияларни тузиш ва уларнинг шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари ва депутатлик гуруҳлари билан ўз фаолиятларини уйғунлаштиришларида амалий ёрдам кўрсатиш лозим. Токи, ҳамма маҳалла қўмиталарида иш кўнгилдагидек изга тушиб кетмагунча, бу масала шаҳар ижроқўми мажлисларида изчил муҳокама қилиб борилиши зарур.

Ижроқўм мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

# НОҲИЯ ОВОЗИ

**Бўстонлиқ ноҳия «Коммунизм учун» рўзномаси 1991 йил 1 январдан бошлаб «Бўстонлиқ овози» номи билан чиқа бошлади.**

**— Ўтган йили муштарийларимиз орасида янги ном учун конкурс эълон қилгандик, — дейди рўзнома муҳаррири П. Нурматов. — Меҳнаткашлар билдирган таклифлар орасида «Бўстонлиқ овози» деган ном кўпроқ маъқул бўлди. Халқ депутатлари ноҳия кенгаши ҳам ўзининг 1990 йил 29 сентябрдаги қарори билан рўзномани шу номда чиқаришни расмий равишда эълон қилди.**

**Ўзбек ва қозоқ тилларида 8 минг нусхада чоп қилинаётган «Бўстонлиқ овози» («Бостандық даусы») ўз номига яраша ноҳия меҳнаткашларининг чинакам маслаҳатгўйи, ҳамдарди бўлиб қолишига, унинг ўқимишлилиги янада ортиб боришига ишончимиз комил.**

## *Коммунистлар ҳақида ҳикоялар*

# БИР УМРЛИК МЕҲР

**Яқинда бир танишимни қўлида меҳнат дафтарчаси билан учратиб қолдим. У ҳали 30 га ҳам кирмаган, бироқ меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар қалаштириб ташалган эди. Иш жой, корхона ва ташкилотлар ўзгаравергандан ҳатто бир сафар ёрлиқлар билан тақдирланганда қайд этиладиган жойга ҳам навбатдаги иш жойни ёзиб юборишибди, азаматлар.**

Бу воқеани Тухват ака Обидов билан учрашганимда бежиз эслаганим йўқ. Уларнинг ҳам меҳнат дафтарчалари ёзувлар билан бой, фақат юқоридаги танишимдан фарқли ўлароқ бу ёзувлар тагига ёлғиз бир корхонанинг муҳри урилган. Яъни ишдаги ўзгаришлар фақат лавозимнинг кўтарилиши билан боғлиқ муҳрлар.

Тухват акани кўпгина ҳамкасбларим танийди десам — муболаға бўлмайди. Биримиз асосий вазифамиз, бошқамиз эса ўз юмушимиз учун у киши билан тез-тез боғланиб турамиз. Бироқ Т. Обидовнинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан ҳаммамиз ҳам таниш эмасмиз.

Бизга ёшлигимизданоқ нима мумкин, нима мумкин эмаслигини яхшилаб уқтиришган. Масалан, бировнинг бойлигини ҳисоблаш одобдан эмас. Дўхтирхонада касаллик анкетасини беморнинг қўлига топшириш мумкин эмас. Кадрлар бўлимидагилар ҳам фақат тегишли кишиларгагина корхона ишчи-хизматчиларининг меҳнат дафтарчаларига кўз югуртиришга рухсат берадилар. Бироқ Тухват аканинг юбилейи муносабати сабабли яхши ният билан менга у кишининг меҳнат дафтарчаси, таржимаи ҳоли ҳамда шахсий варақасидан ёзувларни кўчириб олишимга рухсат беришди.

Шундай қилиб бугунги қаҳрамонимиз 1931 йилнинг биринчи кунида Тошкент шаҳрида, ишчи оиласида туғилган.

1946 йили шаҳардаги 2-билим юртига қабул қилинган. Келаси йил, ўқишни битиргандан сўнг 1-босмахонага ишга юборилган. 1952 йилгача Т. Обидов шу ерда ишчи, уста ҳамда цех бошлиғи лавозимларида меҳнат қилган. Кейинги меҳнат фаолиятини у 3-босмахонада давом эттирган. Ишдан ажралмаган ҳолда Т. Обидов ишчи ёшлар кечки ўрта мактабини тамомлаган ҳамда ВЦСПСнинг 2 йиллик Тошкент касаба уюшмаси мактабига ўқишга кирган. Ўқишни тамомлагач, маданият ходимлари касаба уюшмасининг жумҳурият қўмитасига йўриқчи сифатида ишга юборилган. Ўша йилнинг ўзида ВЦСПСнинг Москва касаба уюшмаси мактабига сиртдан ўқишга кириб, уни тамомлагач иқтисодчи олий маълумотини олган.

1959 йилдан 1965 йилгача Тухват ака босма-фабрикада уста ҳамда цех бошлиғи лавозимларида ишлади. 1965 йили у 7-босмахонага директор этиб сайланди. Орадан 10 йил ўтгач корхоналарнинг унумдорлигини ошириш мақсадида 4, 6, 7 ҳамда 8-босмахоналар ягона 3-босмахонага бирлаштирилди ва унга Т. Обидов директор этиб тайинланди.

1978 йили «Матбуот» полиграф ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди, 3-босмахона эса ишлаб чиқариш бирлиги сифатида унга қўшилди. Тухват ака шу кунгача ана шу босмахонани бошқариб келади.

Умр давомида бир жойда, ўз мутахассислиги бўйича ишлаётган киши ўша корхона учун беқиёс фойда келтириши мумкин. Чунки корхонанинг аҳволи унга беш қўлдек маълум, ишчилари назоратчилари билан бўлган суҳбатда иш унуми пастлиги натижасида кунлик даромаднинг озлиги, ускуналар эскилиги, ҳарф турлари камлиги, цехда ва корхонада интизомнинг бўшашиб кетганлиги аниқланди. Бу камчиликларни тугатиш чоралари изланди.

Коммунист раҳбар ёш кадрларни тўғри танлаб, уларни энг муҳим участкаларга, цехларга бошлиқ қилиб тайинлади, цех ускуналари янги ҳарф турлари, шу жумладан форс, ҳинд ва араб матрицалари билан бойитилди. Меҳнат интизоми яхшиланди. Бу ютуқ босмахонанинг келгуси йил режасига яхши таъсир кўрсатди.

— Тухват ака, меҳнат дафтарчаси билан таржимаи ҳолни солиштирганимда бир қарама-қаршиликни учратиб қолдим...

— Тушундим. Меҳнат фаолиятимни бошланишини назарда тутяпсиз. Тўғри, кўпгина ҳужжатларда 1946 йил деб кўрсатилган. Чунки ўшанда 15 га тўлган бўлишим ва ўқишга киришим мумкин эди. Бироқ мени опам билим юртига 1944 йили, яъни 13 яшарлигимда бошлаб келганлар. Дастлаб у ердагилар оёқ тираб турib олишган, бироқ отам йўқлиги, уруш йиллари, моддий қийинчиликларни ҳисобга олиб «хатоликка» қўл уришган. Ўша пайтда ишчиларга ғамхўрлик кучли эди. Ишлаганлар эса яқин муносабатда. Аввалги тўртта босмахона бирлаштирилиши ва унга тажрибали Тухват аканинг бошлиқ этиб тайинланиши ўз самарасини берди. Коммунист Тухват Обидов аввало партия ташкилоти ва халқ назорати гуруҳига таянган ҳолда иш олиб борди. Энг яхши ишчилар халқ назоратчилари сафига тортилди. Ҳар бир участка, цех, бўлим уларнинг диққат эътиборида бўлди.

Обидовнинг ўзи тажрибали матбаачи бўлганлиги учун биринчи навбатда ишни корхонани орқага тортаётган ҳарф терув цехидан бошлади. Кекса ишчилар, халқ етарли даражада ғамхўрлик қилингандан кейин улар тоғни урса талқон қилади.

— Ҳозир нашриёт, босмахоналарга муносабат ўзгармоқда. Кимдир уларни яккаҳокимликда айбласа, яна бошқаси айнан ана шуларга эътиборни кучайтириш зарур дейди. Қоғоз, бўёқ муаммолари пайдо бўлди. Сиз буларга қандай қарайсиз?

— Халқимизда меҳнат қуролинг соз бўлса — машақкатинг оз бўлади деган ғап бор. Босмахонадаги машиналар 15 йил ишлаш керак. Ундан кейин уни оддий темир-терсак сифатида топшириш зарур. Бизда урушдан аввалги машиналар ҳали ишлатилади. Бундай аҳволда оммавий равишда унумдорликни ошириш мумкинми? Мана, қоғоз, бўёқ йўқ деяпсиз. Ҳозирги рўзнома, жаридаларнинг нархи ошганлигини ҳам кўпчилик тушунмай нашриёт, босмахоналарга боғламоқда. Ахир мамлакатда ўрмон кўп бўлса, бўёқ ўзимиздан чиқса, нега бирдан улар танқис бўлиб қолди деган ҳақли саволни бермоқдалар. Чиқарилган маҳсулотнинг сифатсизлигига ҳам яна нашриёт, босмахоналар айбдор. Бироқ масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб борсанғиз, ўзингиз ўша нашриёт ва босмахоналарнинг аҳволига ачинасиз.

Мана, яқинда Германиядан иккита янги машина олдик. Ишчиларимиз унга ёш боладек суқланиб қарашди, кўчириб олишимга рухсат беришди. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма нуқталарини ўрганишдан ташқари, ишчиларнинг ҳаётидан ҳам хабардор бўлишга ҳаракат қилдим. Ишчиларимиз ишлаган одам учун 300 грамм нонга талон берилса, ишчига 700 граммлик талон, уч маҳал овқат ва кийим-кечак бериларди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ўша пайтда балоғатга етмасдан ўзини ишга урарди.

— Босмахонада 26 йил директорлик қилибсиз. Бу сизга нима берди?

— Ўзим севган ишимдан, ишхонамдан айрилмаслигим. Ҳар бир одам соҳаси, мутахассислиги бўйича ишлаганида борми! Мана қўл остимда 350 киши ишлайди. Уларнинг ҳар бирини танишдан ташқари 250 га яқинини уйини биламан. Ҳаммамиз иссиқ жонмиз — яхши, ёмон кунларимиз бўлади. Ишчиларнинг турмуши қай аҳволда, уй-жойи қай шароитдалиги менга беш қўлдек маълум. Уларга ҳам ишлатилади. Бундай аҳволда оммавий равишда унумдорликни ошириш мумкинми? Мана, қоғоз, бўёқ йўқ деяпсиз. Ҳозирги рўзнома, жаридаларнинг нархи ошганлигини ҳам кўпчилик тушунмай нашриёт, босмахоналарга боғламоқда. Ахир мамлакатда ўрмон кўп бўлса, бўёқ ўзимиздан чиқса, нега бирдан улар танқис бўлиб қолди деган ҳақли саволни бермоқдалар. Чиқарилган маҳсулотнинг сифатсизлигига ҳам яна нашриёт, босмахоналар айбдор. Бироқ масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб борсанғиз, ўзингиз ўша нашриёт ва босмахоналарнинг аҳволига ачинасиз.

Мана, яқинда Германиядан иккита янги машина олдик. Ишчиларимиз унга ёш боладек суқланиб қарашди, кўчириб олишимга рухсат беришди.

Шундай қилиб бугунги қаҳрамонимиз 1931 йилнинг биринчи кунида Тошкент шаҳрида, ишчи оиласида туғилган.

1946 йили шаҳардаги 2-билим юртига қабул қилинган. Келаси йил, ўқишни битиргандан сўнг 1-босмахонага ишга юборилган. 1952 йилгача Т. Обидов шу ерда ишчи, уста ҳамда цех бошлиғи лавозимларида меҳнат қилган. Кейинги меҳнат фаолиятини у 3-босмахонада давом эттирган. Ишдан ажралмаган ҳолда Т. Обидов ишчи ёшлар кечки ўрта мактабини тамомлаган ҳамда ВЦСПСнинг 2 йиллик Тошкент касаба уюшмаси мактабига ўқишга кирган. Ўқишни тамомлагач, маданият ходимлари касаба уюшмасининг жумҳурият қўмитасига йўриқчи сифатида ишга юборилган. Ўша йилнинг ўзида ВЦСПСнинг Москва касаба уюшмаси мактабига сиртдан ўқишга кириб, уни тамомлагач иқтисодчи олий маълумотини олган.

1959 йилдан 1965 йилгача Тухват ака босма-фабрикада уста ҳамда цех бошлиғи лавозимларида ишлади. 1965 йили у 7-босмахонага директор этиб сайланди. Орадан 10 йил ўтгач корхоналарнинг унумдорлигини ошириш мақсадида 4, 6, 7 ҳамда 8-босмахоналар ягона 3-босмахонага бирлаштирилди ва унга Т. Обидов директор этиб тайинланди.

1978 йили «Матбуот» полиграф ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди, 3-босмахона эса ишлаб чиқариш бирлиги сифатида унга қўшилди. Тухват ака шу кунгача ана шу босмахонани бошқариб келади.

Умр давомида бир жойда, ўз мутахассислиги бўйича ишлаётган киши ўша корхона учун беқиёс фойда келтириши мумкин. Чунки корхонанинг аҳволи унга беш қўлдек маълум, ишчилари назоратчилари билан бўлган суҳбатда иш унуми пастлиги натижасида кунлик даромаднинг озлиги, ускуналар эскилиги, ҳарф турлари камлиги, цехда ва корхонада интизомнинг бўшашиб кетганлиги аниқланди. Бу камчиликларни тугатиш чоралари изланди.

Коммунист раҳбар ёш кадрларни тўғри танлаб, уларни энг муҳим участкаларга, цехларга бошлиқ қилиб тайинлади, цех ускуналари янги ҳарф турлари, шу жумладан форс, ҳинд ва араб матрицалари билан бойитилди. Меҳнат интизоми яхшиланди. Бу ютуқ босмахонанинг келгуси йил режасига яхши таъсир кўрсатди.

— Тухват ака, меҳнат дафтарчаси билан таржимаи ҳолни солиштирганимда бир қарама-қаршиликни учратиб қолдим...

— Тушундим. Меҳнат фаолиятимни бошланишини назарда тутяпсиз. Тўғри, кўпгина ҳужжатларда 1946 йил деб кўрсатилган. Чунки ўшанда 15 га тўлган бўлишим ва ўқишга киришим мумкин эди. Бироқ мени опам билим юртига 1944 йили, яъни 13 яшарлигимда бошлаб келганлар. Дастлаб у ердагилар оёқ тираб турib олишган, бироқ отам йўқлиги, уруш йиллари, моддий қийинчиликларни ҳисобга олиб «хатоликка» қўл уришган. Ўша пайтда ишчиларга ғамхўрлик кучли эди. Ишлаганлар эса яқин муносабатда. Аввалги тўртта босмахона бирлаштирилиши ва унга тажрибали Тухват аканинг бошлиқ этиб тайинланиши ўз самарасини берди. Коммунист Тухват Обидов аввало партия ташкилоти ва халқ назорати гуруҳига таянган ҳолда иш олиб борди. Энг яхши ишчилар халқ назоратчилари сафига тортилди. Ҳар бир участка, цех, бўлим уларнинг диққат эътиборида бўлди.

Обидовнинг ўзи тажрибали матбаачи бўлганлиги учун биринчи навбатда ишни корхонани орқага тортаётган ҳарф терув цехидан бошлади. Кекса ишчилар, халқ етарли даражада ғамхўрлик қилингандан кейин улар тоғни урса талқон қилади.

— Ҳозир нашриёт, босмахоналарга муносабат ўзгармоқда. Кимдир уларни яккаҳокимликда айбласа, яна бошқаси айнан ана шуларга эътиборни кучайтириш зарур дейди. Қоғоз, бўёқ муаммолари пайдо бўлди. Сиз буларга қандай қарайсиз?

— Халқимизда меҳнат қуролинг соз бўлса — машақкатинг оз бўлади деган ғап бор. Босмахонадаги машиналар 15 йил ишлаш керак. Ундан кейин уни оддий темир-терсак сифатида топшириш зарур. Бизда урушдан аввалги машиналар ҳали ишлатилади. Бундай аҳволда оммавий равишда унумдорликни ошириш мумкинми? Мана, қоғоз, бўёқ йўқ деяпсиз. Ҳозирги рўзнома, жаридаларнинг нархи ошганлигини ҳам кўпчилик тушунмай нашриёт, босмахоналарга боғламоқда. Ахир мамлакатда ўрмон кўп бўлса, бўёқ ўзимиздан чиқса, нега бирдан улар танқис бўлиб қолди деган ҳақли саволни бермоқдалар. Чиқарилган маҳсулотнинг сифатсизлигига ҳам яна нашриёт, босмахоналар айбдор. Бироқ масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб борсанғиз, ўзингиз ўша нашриёт ва босмахоналарнинг аҳволига ачинасиз.

Мана, яқинда Германиядан иккита янги машина олдик. Ишчиларимиз унга ёш боладек суқланиб қарашди, кўчириб олишимга рухсат беришди.

Шундай қилиб бугунги қаҳрамонимиз 1931 йилнинг биринчи кунида Тошкент шаҳрида, ишчи оиласида туғилган.

1946 йили шаҳардаги 2-билим юртига қабул қилинган. Келаси йил, ўқишни битиргандан сўнг 1-босмахонага ишга юборилган. 1952 йилгача Т. Обидов шу ерда ишчи, уста ҳамда цех бошлиғи лавозимларида меҳнат қилган. Кейинги меҳнат фаолиятини у 3-босмахонада давом эттирган. Ишдан ажралмаган ҳолда Т. Обидов ишчи ёшлар кечки ўрта мактабини тамомлаган ҳамда ВЦСПСнинг 2 йиллик Тошкент касаба уюшмаси мактабига ўқишга кирган. Ўқишни тамомлагач, маданият ходимлари касаба уюшмасининг жумҳурият қўмитасига йўриқчи сифатида ишга юборилган. Ўша йилнинг ўзида ВЦСПСнинг Москва касаба уюшмаси мактабига сиртдан ўқишга кириб, уни тамомлагач иқтисодчи олий маълумотини олган.

1959 йилдан 1965 йилгача Тухват ака босма-фабрикада уста ҳамда цех бошлиғи лавозимларида ишлади. 1965 йили у 7-босмахонага директор этиб сайланди. Орадан 10 йил ўтгач корхоналарнинг унумдорлигини ошириш мақсадида 4, 6, 7 ҳамда 8-босмахоналар ягона 3-босмахонага бирлаштирилди ва унга Т. Обидов директор этиб тайинланди.

1978 йили «Матбуот» полиграф ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди, 3-босмахона эса ишлаб чиқариш бирлиги сифатида унга қўшилди. Тухват ака шу кунгача ана шу босмахонани бошқариб келади.

Умр давомида бир жойда, ўз мутахассислиги бўйича ишлаётган киши ўша корхона учун беқиёс фойда келтириши мумкин. Чунки корхонанинг аҳволи унга беш қўлдек маълум, ишчилари назоратчилари билан бўлган суҳбатда иш унуми пастлиги натижасида кунлик даромаднинг озлиги, ускуналар эскилиги, ҳарф турлари камлиги, цехда ва корхонада интизомнинг бўшашиб кетганлиги аниқланди. Бу камчиликларни тугатиш чоралари изланди.

Коммунист раҳбар ёш кадрларни тўғри танлаб, уларни энг муҳим участкаларга, цехларга бошлиқ қилиб тайинлади, цех ускуналари янги ҳарф турлари, шу жумладан форс, ҳинд ва араб матрицалари билан бойитилди. Меҳнат интизоми яхшиланди. Бу ютуқ босмахонанинг келгуси йил режасига яхши таъсир кўрсатди.

— Тухват ака, меҳнат дафтарчаси билан таржимаи ҳолни солиштирганимда бир қарама-қаршиликни учратиб қолдим...

— Тушундим. Меҳнат фаолиятимни бошланишини назарда тутяпсиз. Тўғри, кўпгина ҳужжатларда 1946 йил деб кўрсатилган. Чунки ўшанда 15 га тўлган бўлишим ва ўқишга киришим мумкин эди. Бироқ мени опам билим юртига 1944 йили, яъни 13 яшарлигимда бошлаб келганлар. Дастлаб у ердагилар оёқ тираб турib олишган, бироқ отам йўқлиги, уруш йиллари, моддий қийинчиликларни ҳисобга олиб «хатоликка» қўл уришган. Ўша пайтда ишчиларга ғамхўрлик кучли эди. Ишлаганлар эса яқин муносабатда. Аввалги тўртта босмахона бирлаштирилиши ва унга тажрибали Тухват аканинг бошлиқ этиб тайинланиши ўз самарасини берди. Коммунист Тухват Обидов аввало партия ташкилоти ва халқ назорати гуруҳига таянган ҳолда иш олиб борди. Энг яхши ишчилар халқ назоратчилари сафига тортилди. Ҳар бир участка, цех, бўлим уларнинг диққат эътиборида бўлди.

Обидовнинг ўзи тажрибали матбаачи бўлганлиги учун биринчи навбатда ишни корхонани орқага тортаётган ҳарф терув цехидан бошлади. Кекса ишчилар, халқ етарли даражада ғамхўрлик қилингандан кейин улар тоғни урса талқон қилади.

— Ҳозир нашриёт, босмахоналарга муносабат ўзгармоқда. Кимдир уларни яккаҳокимликда айбласа, яна бошқаси айнан ана шуларга эътиборни кучайтириш зарур дейди. Қоғоз, бўёқ муаммолари пайдо бўлди. Сиз буларга қандай қарайсиз?

— Халқимиз

• *Ҳарбий-ватанпарварлик бўлимида*

# ҚАНДАҲОРДА ТОБЛАНГАН

Тошкентнинг шундоқ биқинидаги Ҳасанбой қишлоғида Афғонистон урушининг қатнашчиси, 22 ёшли собиқ аскар Равшан Мақсудов яшайди. У қўшни Афғонистон жумҳуриятида 1986—87 йилларда ўзининг байналмилал бурчини бажариб қайтган. Равшан Қандаҳор яқинидаги десантчи — ҳужумчилар батальонида хизмат қилди. У ерда мужоҳидлар билан қаттиқ қонли тўқнашувлар бўлганди. Мен ёш собиқ аскарга қараб туриб, юракдан ачиндим. Чунки унинг чап қўли ва оёғи йўқ эди. Ўтмишни эслаш Равшанга оғир. У фақатгина автоколоннани, олдинда БТР машиналари, орқадан эса юк машиналари ўтиб бораётганини эслайди холос. Бу воқеа 1987 йили 24 декабрда рўй берганди. Тоғ ён бағирларига душман афғонлар яширинганди. Шунинг учун ҳам жангчилар ҳар қандай ҳужумни қайтаришга шай бўлиб борардилар. Машиналар қўрқинчли тоғ йўлларидан кетаётганди. Унинг ўзи ҳайдовчиси бўлган БМП машинаси колоннанинг ўрталарида эди. Равшан машинасида катта тешик ҳосил бўлганлигини кўрди. Портлаш натижасида унинг бешала сафдоши контузияга учраган, машинани эса тузатишмаса бўлмасди. Экипаж аъзоларининг ҳаммаси ўзбек аскарларидан ташкил топганди. Портлашдан сўнг улар машинага яқинлашган ҳам эдиларки, рақиблар уларни ўққа тутди. Жангчилар ҳужумни қайтаришга эришдилар. Атрофни қоронғулик босди. Уч киши машинани қўриқлаб чиқди. Тонг отиши билан яна машинага яқинлашдилар. Лекин рақиблар яна уларни ўққа тутиб, машинани тузатишга имкон бермадилар. Машинани танк шатакка олди ва афғон сарандўйлари пости томон ҳаракат қилди. Чунки у ерда машинани тузатиб олмоқчи эдилар. Равшан билан Нурали Аҳмедов ва бўлинма командири, лейтенант Григорьевлар бирга жўнадилар. Равшан олдинда йўлни кўрсатиб борарди.

Кутилмаганда пластмассали миноанинг портлаган овози янгради. Уни Равшан босиб олганди. У ўзида қаттиқ оғриқни сезди. Йиқилаётиб чап оёғи узилиб тушганини кўрди. Чап қўли билан гавдасини тутиб қолмоқчи бўлганди яна бир мина портлади. Кетма-кет учта портлаш рўй берди. Равшан 47 жойидан ярадор бўлди. Ўртоқлари унга ёрдам беришга шошилдилар. Қаттиқ яраланган Равшан тишини-тишга қўйиб, кулишга ҳаракат қилиб гапирди: «Эҳтиёт бўлинглар, яна қаердадир мина бўлиши мумкин».

Қандаҳоргача 25 км бор. Йўлда Равшан ҳушдан кетди. Фақатгина Кобулдаги ҳарбий госпиталда кўзини очди. Кейин кўп ойлар Москвада Бурденко номидаги ҳарбий шифохонада даволанди.

Равшан ўшанда атиги 19 ёшда эди. У ўрта мактабни тугатгандан сўнг, ДОСААФдаги ҳайдовчилар курсида ўқиди. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олгач, ҳарбий хизматга чақирилди. Аввал ТуркҲОдаги махсус ҳарбий қисмда тайёргарликдан ўтди, кейин эса Афғонистонда ўз хизмат бурчини ўтай бошлади.

Врачлар барча имкониятларни ишга солиб Равшанни тирик қолиши учун курашдилар. Навбат жарроҳларга келди. Энди унинг чап оёғи ва чап қўлини газак олмаслиги учун кесиш зарур, Равшаннинг жасоратига қойил қолиш керак. У яна бир оғриққа дош берди. Қанчалик қийин бўлмасин секин-аста протезли оёқда юришни ҳам ўрганди. Унда чидам ва сабот кучлилик қилди. Равшанни худо ўз паноҳида «уч марта» сақлади. Чунки уч марта портлаган миналар ичидан тирик чиқишнинг ўзи бўлмайди. У душманлар билан бўлган жуда кўп жангларда иштирок этганди.

Равшан Муродали ака ва Дилором опанинг катта ўғли. Унинг тўртта синглиси бор. Сингиллари акаларини ҳурмат қилишади. Ҳозир ҳаммалари бирга яшашади. Ҳа, айтмоқчи Равшан яқинда уйланди. Рафиқаси Нозима ҳам Ҳасанбой қишлоғидан. У касалхонада тиббий ҳамшира бўлиб ишлайди. Равшанга барча имтиёзлар яратиб берилди. Уйига телефон тушириб беришди, «Москвич—412» енгил автомашинасини олди.

Равшан Мақсудов ҳозирги кунда Тошкент Давлат Дорилфунуни ҳуқуқшунослик куллиётининг кечки бўлим II курс талабаси. У ҳуқуқшунос бўлмоқчи.

Лекин собиқ байналмилалчи-жангчи Р. Мақсудовнинг ҳамма талабларини ҳам қондиришаётгани йўқ. Чунки илгари ногиронлик учун белгиланган нафақани унинг уйига олиб келардилар. Энди эса у нафақани олиш учун Ҳасанбойдан Келес шаҳрига қатнаши керак. Ўзингиз ўйланг, у ёққа қатнашнинг ўзи бўладими? Қишнинг қорли, қировли кунлари бор.

Бундан ташқари у ҳар икки ойда тиббий кўрикдан ўтиб туриши, яъни I гуруҳ ногиронлигини олиши керак экан. Нима, унинг оёқ ва қўллари энди ўсармикан?! Врачлар унга умрбод I гуруҳ ногиронлигини беришлари шарт-ку! Афғон урушининг собиқ аскари кўнглини кўтариш ўрнига қалбига озор етказиб қўймайлик.

Яна Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг «Байналмилалчи-жангчилар тўғрисида»ги буйруғига биноан Равшанга уй-жой қуриш учун ер ажратиб беришлари зарур. Буни Тошкент ноҳиясидаги Ильич номли жамоа хўжалиги раҳбарлари биздан кўра яхши билишса керак.

Афғон жароҳатлари Равшаннинг қалбини қанчалик тирнамасин, у доимо тетик, ҳушёр, ҳаётга интилувчан. Чунки унинг ёнида ҳақиқий чин инсонлар ота-онаси Муродали ва Дилором опалар бор.

**П. СИЛИН,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**

**Бундай одамлар вилоятимизда анчагина. Аммо улар «Афғонистон ветеранлари уюшмаси»нинг Ўзбекистон жумҳурият бўлими борлигини эҳтимол, билишмаса керак. Бу уюшма Афғонистонда хизмат қилиб қайтганларга, «афғон» ногиронларига, ўғли вафот этган ёки беғиёс йўқолган оилаларга ҳар томонлама маънавий, иқтисодий ва яқиндан тиббий ёрдам кўрсатади. Уюшма манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, 700047, Гоголь кўчаси, 69-уй, телефон: 33-05-97.**

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР НОМЛАР

Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент вилоятидан фронтга борган йигитлар ҳаёт-мамот жангларида жасорат кўрсатдилар. Буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Афсуски, уларнинг кўпчилиги она юртларига қайтишмади. Яқинда ССЖИ Мудофаа вазирлигининг Марказий архивида бўлиб, жангчоҳлардан оила бағрига қайтиб келиш насиб қилмаган ўғлонларнинг исм ва шарифларини ёзиб олдим. Уларнинг тақдирларидан қариндош-уруғлари, фарзандлари бехабар бўлишлари мумкин...

**Одилов Қобил** — 1924 йилда туғилган. Отаси Шамшиев Одил Оржоникидзе ноҳиясида истиқомат қилган. 89-ўқчи дивизиянинг 390-ўқчи полки сафида жангда қатнашган. 1945 йил 1 январда ҳалок бўлган. Жасади Опочнь (Польша) шаҳар яқинидаги Русски Бруди қишлоғида дафн этилган.

**Ниёзов Ҳусан** — 1900 йилда Пискентда туғилган. Турмуш ўртоғи Тўхта Ниёзова Пискент қишлоғида яшаган. Жангга 1942 йилда жўнаган. 89-ўқчи дивизиянинг 390-ўқчи полки сафида жангда қатнашган. 1945 йил 19 январда ҳалок бўлган. Польшанинг Опочнь шаҳри яқинидаги Русски Бруди қишлоғида дафн этилган.

**Султонов Маҳмуд** — 1902 йилда Тошкентда туғилган. Турмуш ўртоғи Султонова Назира Тошкентнинг Файзуллаева кўчасидаги 72-уйда яшаган. 89-ўқчи дивизиянинг 390-ўқчи полки сафида тўпчи бўлиб жангда қатнашган. 1944 йил 9 майда ҳалок бўлган. Крим АССЖ, Севастополга яқин Алсу қишлоғи шарқида дафн этилган.

**Мамбетов Аминбек** — 1898 йилда Бўкада туғилган, Оиласи «Кўкорол» совхозининг 2-чорвачилик фермасида яшаган. Пискент ноҳиясидан Қизил Армияга чақирилган. 820-алоҳида ўқчи полк сафида жангда қатнашган. Ярадор бўлиб, 1944 йил 5 февралда вафот этган. Витебск вилоятининг Городочен ноҳиясидаги Комсомол қишлоғи шимоли бўсағасида дафн этилган.

**Каумбаев** (балки Қаимбоев) **Ҳаратбой** — 1909 йилда туғилган. Турмуш ўртоғи Каумбаева Осмона «Кўкорол» совхозида яшаган. 154-ўқчи дивизиянинг 473-ўқчи полки сафида жангда қатнашган. 1943 йил 7 августда ҳалок бўлган. Жасади Смоленск вилоятининг Дорогобуш ноҳиясидаги Мазанки қишлоғидан 1500 километр жанубишаркда дафн этилган.

**Кўчқоров Бўтой** — Тошкент яқинидаги 54-разъездда туғилган. Хотини А. Кўчқорова Калинин ноҳиясидаги Куйбишев номли колхозда яшаган. 13-ўқчи дивизиянинг 269-сапёр батальонида бўлинма командири вазифасида жангда қатнашган. 1942 йил 14 октябрда ҳалок бўлган. Ленинград вилоятининг Пулково ноҳиясидаги биродарлик қабристонида дафн этилган.

**Отахонов Улуғбек** — 1925 йилда Тошкентда туғилган. Урушга 1943 йилда жўнаган. Онаси Назархонова Максима Киров ноҳиясидаги Чимкент тракти кўчаси 136-уйда яшаган. 320-ўқчи дивизия таркибида кичик лейтенант унвонида взвод командири бўлган. 1944 йил 21 августда ҳалок бўлган. Молдова АССЖдаги Чобручу қишлоғида дафн этилган.

**Тўқаев Аҳмад** — 1920 йилда Паркент ноҳиясида туғилган. Отаси С. Тўқаев шу ноҳиядаги «Правда» колхозида яшаган. 320-ўқчи дивизия составида жангда қатнашган. 1942 йил 19 декабрда дараксиз йўқолган.

**Усмонов Аъзам** — 1923 йилда Паркент ноҳиясида туғилган. Отаси Усмонов Ю. Паркент қишлоғида яшаган. 1942 йил 19 декабрда дараксиз йўқолган.

**Шарипов Юнус** — 1914 йилда Оҳангарон ноҳиясида туғилган. Рафиқаси Шарипова Назира шу ноҳиядаги Инқилоб Жасади Моздан ноҳиясидаги Шефатов хуторида дафн этилган.

**Тошматов Дўсмат** — 1912 йилда Оржоникидзе ноҳиясининг Чинобод қишлоғида туғилган. Оиласи шу қишлоқда яшаган. 320-ўқчи дивизиянинг 476-ўқчи полки сафида жангда қатнашган. 1943 йил 27 июла ҳалок бўлган. Ворошиловград вилоятидаги Петрополье қишлоғининг шимоли-ғарбида дафн этилган.

**Орип** (Орипов бўлиши мумкин) **Шокир** — 1914 йилда Оржоникидзе ноҳиясидаги «Қизил қаҳрамон» колхозида туғилган. 320-ўқчи дивизия таркибидаги 476-ўқчи полк сафида жангда қатнашган. 1943 йил 21 июлда ҳалок бўлган. Ворошиловград вилоятидаги Петрополье қишлоғида дафн этилган.

**Рўзибоев Холмат** — 1913 йилда Чиноз ноҳиясида туғилган. Рафиқаси Ойниса Рўзибоева шу ноҳиядаги Бревен (аниқ ёзилмаган) посёлкасида яшаган. 320-ўқчи дивизиянинг 476-ўқчи полки сафида жангда қатнашган. 1943 йил 21 июлда ҳалок бўлган. Жасади Ворошиловград вилоятидаги Петрополье қишлоғидан 2000 метр шимоли-ғарбда дафн этилган.

**Бенсенбоев Тожимбек** — 1901 йилда туғилган. Урушга Оржоникидзе ноҳиясидан 1943 йил май ойида жўнаган. Рафиқаси Бенсенбоева Назира ҳозирги Бўстонлиқ ноҳиясидаги «Қизилту» колхозида яшаган. 820-ўқчи полкнинг 2-ўқчи ротаси сафида жангда қатнашган. 1944 йил 3 февралда ҳалок бўлган. Витебск вилоятининг Городок ноҳиясидаги Ужлятино қишлоғида дафн этилган.

**Савченко Петр Павлович** — 1922 йилда туғилган. Тошкентнинг Сталин ноҳиясида яшаган. 275-ўқчи полк сафида сержант унвонида бўлинма командири бўлиб жангда қатнашган. 1944 йил 7 августда ҳалок бўлган. Люблин губерниясининг Воишн қишлоғи (Висла дарёсининг ғарбий қирғоғи)да дафн этилган.

**Раҳматиллаев Ҳикмат** — 1903 йилда Тошкентда туғилган. Урушга 1943 йил 19 сентябрда Куйбишев ноҳиясидан жўнаган. Рафиқаси Робия Раҳматиллаева шу ноҳиядаги Қоратут проездининг 34-уйида яшаган. 117-ўқчи дивизиянинг 1124-ўқчи полки сафида жангда қатнашган. 1944 йил 23 июнда ҳалок бўлган. Витебск вилоятининг Сиротин ноҳиясидаги Казановка қишлоғидан 600 метр ғарбда дафн этилган.

**Медеев Мелибой** — 1906 йилда Оққўрғон ноҳиясида туғилган. Оиласи шу ноҳиядаги Сталин номли колхозда яшаган. Урушга 1942 йилда жўнаган 1124-ўқчи полк сафида жангда қатнашган. Ярадор бўлиб 1944 йил 24 июлда вафот этган. Жасади Литва ССЖ Зарасой уезди, Ужаниш Соисков Полдаги биродарлик қабристонига қўйилган.

**Шахобиддинов Шарип** — 1914 йилда Тошкентнинг Бахт кўчасидаги 10-уйда туғилган. Оиласи шу уйда яшаган. ВКП(б) аъзоси. 1122-ўқчи полк сафида сержант унвонида радист (алоқачи) бўлиб жангда қатнашган. 1942 йил 28 августда ҳалок бўлган. Рижск вилоятидаги Бэнэ станцияси (бекат) яқинида дафн этилган.

**Исаев Бобораҳим** — 1903 йилда Тошкентда туғилган. Рафиқаси Кимё Каримова Ҳамза кўчаси, 19-тупиқдаги 48-уйда яшаган. Урушга 1943 йил 5 февралда жўнаган. 1126-ўқчи полкнинг 2-ўқчи ротаси сафида жангда қатнашган. 1944 йил 11 августда дараксиз йўқолган.

**Аширхўжаев Шарипхўжа** — 1990 йилда Тошкентнинг Тахтапул кўчасида туғилган. Рафиқаси Муборак Саидмуродова Калинин ноҳиясидаги «Қизил Юлдуз» колхозида яшаган. 1943 йил 28 июнда урушга жўнаган. 477-алоҳида санитария батальонида хизмат қилган. 1945 йил 13 апрелда ҳалок бўлган. Шарқий Пруссиянинг Кенигсберг шаҳри ғарбида Хортля қишлоғида дафн этилган.

**Усмонов Маҳмуд** — 1925 йилда туғилган. Отаси Абдураҳмон Усмонов Тошкентнинг Куйбишев ноҳиясида яшаган. 117-ўқчи дивизиянинг 820-ўқчи полки сафида минометчи бўлиб жангда қатнашган. 1944 йил 2 августда ҳалок бўлган. Кельцов губерниясининг (Польша) Родомск вилоятидаги Войшин қишлоғи бўсағасида дафн этилган.

**ЭСЛАТМА: юқоридаги рўйхатда айрим чалкашлик ва ноаниқликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Чунки, маълумотлар урушнинг оғир шароитида ўзбек тилини яхши билмаган одамлар томонидан ёзилган.**

**Агар жангчоҳлардан қайтиб келмаган йигитларнинг қариндош-уруғлари, яқинлари топилса, қуйидаги манзилгоҳга хабар қилишларини илтимос қиламиз. Индекс — 702432. Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, 3-микрорайон, 13-уй, 21-квартира.**

**Акром АЪЗАМОВ,**
**Уруш ветерани, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# ЖИНОЯТ НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

**АВВАЛО, суҳбатдошим ҳақида икки оғиз сўз. Милиция подполковниги Муҳиддин Отбосаров 42 ёшда. Шунинг йигирма йилдан ортиғини халқ осойишталиги ишига сарфлади. Мен Муҳиддин Тўлагановични ўн йилдан ортиқ вақтдан бери биламан. Ички ишлар органларида хизматни оддий инспекторликдан бошлаб, турли босқичларни босиб ўтди. Киров ноҳия ички ишлар бўлимига бошчилик қилгунча Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармасида ўринбосар бўлиб ишлади.**

МУҲИДДИН Тўлаганович билан дам олиш — якшанба куни суҳбатлашишга келишиб олдик. Айтилган вақтда бориб у кишини учратолмадим. Ярим соатлар чамаси кечикиб келиб, узр сўради ва оғир жиноят содир этилган жойдан келаётганлигини айтди.

**— Муҳиддин Тўлаганович, ошкора суҳбатлашсак.**

— Марҳамат.

**— Жамиятимиз учун, халқимиз учун кундан-кун газак олиб, илдиз отиб, кучайиб бораётган жиноятчилик йўлини қандай қилиб тўсиш мумкин! Яширишнинг ҳожати йўқ. Кейинги пайтларда нега жиноят кўпайиб кетмоқда! Бугунги суҳбатимизда ана шу саволларга жавоб топишга урниниб кўрсак...**

— Ўзингиз ошкора суҳбатни таклиф этдингиз. Мен ҳам жумбоқ ташлаб, сизга савол бермасам, иззат-нафсингизга тегмасину, ечиб беролмасангиз керак.

**— Қани урниниб кўрайлик-чи.**

— Мана, халқимизда бир болага етти қўшни — ота-она, деган мақол бор. Мени кечирасизу, ҳозирда ана шу мақолнинг сариқ чақалик ҳам қадр-қиммати қолмади. Мана, сиз ўқиган одам, бунинг устига журналистсиз. Айтайлик, хизматдан ёки тўйдан уйга кеч қайтяпсиз. Маҳаллангизда, кўча бошида бемаҳалда бир гуруҳ ўспиринларни тўдалашиб турганининг устидан чиқиб қолдингиз. Уларнинг кўпчилигини танийсиз ҳам. Хўш, ярим кечада (аввало уларнинг ҳавотирланмаган ота-оналарини айбламоқчиман) ўн тўрт — ўн беш ёшли ўспиринлар нима қилиб туришибди?! Тўхтаб, уйларига киритиб юборасизми? Йўқ. Мана, иллатнинг боши. Бекорчиликдан бемазагарчилик келиб чиқади, дейди халқимиз. Бемаҳалда санғиган ўша ўспиринлар жиноятга қўл урмайди, деб ким кафолат бера олади?

«Комсомольская правда»да босилган мана бу хабарга эътибор беринг. Мамлакат ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган матбуот конференциясида келтирилган рақамлар: ўтган йили содир бўлган ҳар икки жиноятнинг бири яъни мамлакатда 1 миллион жиноят очилмай қолган. Ана шу жиноятларнинг 15 фоизини ўспиринлар содир этишган. Ўтган йилда 1 миллионга яқин ўспирин болалар колонияларига юборилган. Нақадар аянчли рақамлар. Фақат бизнинг ноҳиямиздагина ўсмирлар ўртасида содир этилган жиноятлар 1990 йилда 1989 йилга нисбатан қарийб 40 фоиз ортгани шундан эмасмикан?!

**— Кейинги кезларда милиция ходимлари ўз вазифаларини ҳалол уддалай олмаяптилар. Гоҳида улар жиноятчиларга ҳомий ва шериклар, деган гаплар учраяпти. Сиз бунга қандай қарайсиз!**

— Яшириб нима қиламиз. Онда-сонда бўлса ҳам нопок милиция ходимлари учраб турибди. Ана шулар ҳалол ходимларимиз юзини шувут қилишяпти. Ахир халқимиз «бир нопок бузоқ подани булғатади», деб бекорга айтмаган-ку. Бундай бебурд шахслар кечани кеча, кундузни кундуз демай, лозим бўлса ўлимга ҳам тик боқиб иш тутаётган милиция ходимлари шаънини булғатаётганига ачинаман, холос.

**— Илгарилари милициянинг кўмакдошлари ёки халқ дружиначилари мавжуд эди. Улар маълум даражада сизларга мададкор эдилар. Ҳозирда эса ҳар ким ўз ишини қилсин, деган гапга муносабатингизни билмоқчи эдим.**

## МУЛОҚОТ

— Биласизми, жиноят жамият яраси. Бу иллатга ҳамма бирдек курашишга киришмас экан, уни енгиб бўлмайди. Айтайлик, милиция ходимлари жиноятчини ушлашди. Лекин гувоҳ бўлмаса, жиноий иш қўзғатиш мумкин эмас. Ёки қонунимизни олиб кўрайлик Инсонпарварликни рўкач қилиб, енгил жазо бериш деярли одат тусига кириб қолди. Ким билан гаплашманг, у милиция ходими бўладими ёҳуд турли касбдаги кишилар бўладими, жиноятчига берилаётган жазодан қониқмаётганлигини айтади. Жиноятнинг кўпайиши эса, менимча, мана шу томонга ҳам боғлиқ. Айтайлик, бирор сотувчи харидор ҳақидан икки — ёки уч сўм уриб қолди. Бир кимса эса бир неча йил рўёрини тийиб, инженер ёҳуд ўқитувчининг сотиб олган машинасини ўғирлаб кетди дейлик. Ҳар иккала жиноятчига деярли тенг жазо чораси қўлланиши ҳеч қандай қуюшқонга тўғри келмаса керак. Кейинги кезларда машиналарни олиб қочиш ҳоллари кўпайиб кетди. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби бизнинг ноҳияда ҳам бу борада жиноятни очишдаги кўрсаткичимиз энг паст даражада. Шунингдек, квартира ўғирлаш ҳам авж олмоқда. Ноҳиямизда турли корхоналар, ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлар жойлашган. 400 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ички ишлар бўлимимизда эса жами 450 ходим бор. Бошқача қилиб айтганда, ҳар 1000 кишига 1 киши тўғри келади. Уюшган, ашаддий жиноятчини қўлга олиш учун эса бир киши эмас, ўнлаб милиция ходимларимизнинг кунлаб, ҳафталаб, гоҳида эса ойлаб тинимсиз меҳнат қилишларига тўғри келади. Мана, энди ўзингиз таққосланг. Шу ўринда кенг халқ оммасининг ёрдамига нақадар муҳтож эканлигимизни тушунгандирсиз.

**— Суҳбатимиз бошида ёшлар тарбияси ҳақида сўз очгандик. Ноҳия ҳудудида ёшлар тарбияси билан ишлашда ўрнак бўлаётган милиция ходимларингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Юқорида айтганимдек қаерда ҳамкорлик бўлса ўша ерда жиноятнинг олди олинади. Масалан, 1-Отчопар маҳалласига милиция капитани Раҳматжон Самиев инспекторлик қилади. У, энг аввало, маҳалла қўмитаси активлари, (раиси Мирзамурод Алимов) ҳамда асбобсозлик заводи директори Н. Галяутдинов атрофидаги фаоллар ёрдамига таянган. Раҳматжон Самиев маҳалланинг деярли ҳар бир йиғилишида иштирок этади, одамларни шу ерда қабул қилади. Нохуш, кўнгилсиз воқеалар маҳалла вакиллари иштирокида муҳокама қилинади. Қолаверса, завод ҳузурида ташкил этилган кўнгилли дружиначиларнинг амалий фаолияти, ўсмирлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилгани сабабли кўнгилсиз ҳодисалар деярли кам содир этилмоқда.

**— Муҳиддин Тўлаганович ноҳия ҳудудида оғир жиноятларни тезкорлик билан очишда ўрнак бўлаётган ходимлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Марҳамат. Дўстмуҳамедов кўчасида истиқомат қилувчи Сурайё Абдураимова хонадонига бостириб кирган нотаниш кимсалар қурол ўқталиб, 17 минг сўм пулни ўмаришиб кетишди. Жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари милиция капитани Ф. Имонгулов, катта лейтенант А. Қорабоев ҳамда жиноят қидирув бўлими ходимлари Ф. Азизов, С. Эргашев, Р. Ерматовлар бу жиноятни очишда жасорат ва маҳорат кўрсатишди. Натижада илгари судланган Ботир Сиддиқов ва унинг ҳамтовоқлари қўлга олинди, улардан кўплаб қурол ва ашёвий далиллар тортиб олинди.

**— Сўнгги савол. Мана, сиз жумҳурият ички ишлар вазирлигида бўлим бошлиғи, сўнг эса Қашқадарё вилоятида ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлагач, Тошкентда ноҳиялар ўртасида жиноятчиликнинг сони ва тури жиҳатидан энг оғир ҳисобланган Киров ноҳияси ички ишлар бўлимига бошлиқ бўлиб келдингиз. Бу оғир участкага ишга ўтишда иккиланмадингизми!**

— Сира. Хизмати оғирлигидан нолиган ходимлар милицияда ишламагани маъқул. Вазифам тақозо этар экан, кечасими, кундузими, якшанбами, байрамми, постдаман...

Суҳбатимиз деярли поёнига етганди. Телефон жиринглади.

— Укам, жияларимни кўрмаганимга ҳам бир ойдан ошибди. Уйга келгин, деган эдим..

Шу топда ички телефондан навбатчи хабар қилиб қолди. Юнусобод даҳасида қотиллик юз берибди. Бошлиқ зудлик билан воқеа содир бўлган жойга жўнаб кетди.

**Ш. УМУРЗОҚОВ.**

# ЧОРВАДОРГА ҒАМХЎРЛИК ҚАНИ?

ТУРМУШИМИЗ фаровонлиги амалий ишимизга боғлиқ эканлиги ҳаммага кундай равшан бўлиб қолди. Ота-боболаримиздан бизга жуда ҳам кўплаб пурҳикмат сўзлар қолган. Уларнинг таъбирича, етти хазинанинг бири бўлмиш чорвачиликнинг ҳозирги аҳволи қандай? Бу саволга вилоятимизнинг барча мол бозорлари ва гўшт дўконларини айланиб чиққач, хулоса қилиб тўғри жавоб топиш мумкин. Хонадонида сигири ёки бузоғи бор бўлган одам уни эҳтиётлаб парваришлашга, касалга чалинтирмасдан, қўлида узоқ вақт ушлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Сабаби маълум: мол бозори ва гўшт дўконига яқинлашиб бўлмай қолди. Уларнинг нархи ҳафта сайин ошиб бормоқда. Хўш, бу борада жамоа хўжалиги фермаларида аҳвол қандай? Улар ҳам хусусий хўжалик эгалари сингари аввал мол, кейин жон қабилида иш тутишяптими? Афсуски ундай эмас экан. Биз бунга Тошкент вилояти комсомол қўмитаси ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш бўлими ходимлари билан биргаликда ўтказган текширувимизда ишонч ҳосил қилдик.

Куйбишев номли жамоа хўжалиги Ўрта Чирчиқ ноҳиясининг йирик жамоаларидан бири ҳисобланади. Декабрь ойининг охири ва январь ойининг бошида бўлиб ўтган 3—4 кунлик совуқ фермада ўз асоратини қолдирган: моллар учун ичимлик суви етказиб берувчи қувур музлаб қолган. Бу молбоқарлар учун 609 бош молни суғориш ишида анча қийинчилик туғдирган. Куни билан юмушдан бўшамайдиган чорвадорнинг ташвишлари ёнига яна қўшимча ташвиш қўшилибди. 5—6 тонна сувни билак кучи ёрдамида сигирларга етказиб бериш керак.

Бизни ажаблантирган нарса яна шу бўлдики, икки йил муқаддам қурилган иккита янги бино темир бетондан бўлиб, бинонинг ички деворларига ўрнатилган иситиш қурилмалари ҳанузгача мутлақо ишлатилган эмас. Бу совуқ тортар бетонлар орасида қишлайдиган соғин сигирларнинг сути камайиб кетишига, касалга чалинишини тезлаштиришга олиб келади. Энг ачинарлиси, бундан ҳалол меҳнат қилаётган оддий меҳнат кишиси жабр кўради. Чунки соғувчи ва молбоқарларга соғиб олинаётган сутнинг миқдорига қараб ҳақ тўланадида! Эски молхона биносининг томи шиферлари синиқ, эшик тахталари, дераза ойналари чалакам-чатти, ночор аҳволда бўлса-да, бу ерда ҳам мол боқилмоқда! Ферма мудири бундай манзарага изоҳ бериб шундай деди:

**ҚИШЛОВ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?**

— Хўжалик раҳбарларидан молхонани таъмирлаш учун зарур бўлган қурилиш материаллари сўраган эдик, беришмади.

Лекин буларга қарамай, фермада тақсинга лойиқ ишлар ҳам йўқ эмас. Ўтган 1990 йилда давлатга режадаги 510 тонна ўрнига 550 тонна сут, 16 тонна ўрнига 18 тонна гўшт топширилган. 192 ўрнига 201 та бузоқ олинган. Булар хўжалик чорвачилигининг келажагини, бозор иқтисодиёти шароитида сут ва гўшт маҳсулотларига қўйиладиган янги нарх чорвачиликни сердаромад соҳага айлантириши мумкинлигини кўрсатади. Бу мақсадга эришиш учун эса энг аввало асосан ёшлардан иборат бўлган чорвадорлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш талаб этилади. Булар орасида Қ. Турматов, Б. Раҳматов каби ғайратли молбоқарлар, Т. Нишонбоева, Б. Бойзоқова, Т. Бойниёзова сингари моҳир сут соғувчилар бор.

Бундай қараганда шароит анча яхшига ўхшайди. Ҳар куни тушликка овқат ташкил этилади. Дам олиш хоналари бор. Ҳовлидаги «Ҳурмат тахтаси»да илғорларнинг суратлари... Лекин бу хизматлар билан мақтанадиган замонлар ўтиб кетган. Чунки бундай хизматлар инсон учун энг зарур бўлган кундалик эҳтиёжлар сирасига киради. Чорвадорлардан кимлар бу яқин ўртада қаерга, қайси дам олиш уйига борди? Саёҳатга чиқдими? Маданий-маиший, савдо, тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳволи қандай? Кўчма дўконлар келиб турадими? Келганда улардан чорвадорлар ўзларига керакли буюмларни топа оладиларми? Афсуски, бу саволларга жўяли жавоб ололмадик. Дарвоқе, қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да! Зеро, моддий бойликни кўпайтириш ҳақида сўз бўлаётган экан, бу бойликни яратувчиларнинг кўнгли олинса, гап-гаплигича қолиб кетмайди. Бу оддий ҳақиқатни унутмаслигимиз керак.

**Ғ. САТТОРОВ,**
**Тошкент вилояти комсомол қўмитаси ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш бўлими мудири.**

**Ҳ. СУЛАЙМОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

● **Ғалаба ноҳияси Волков давлат хўжалигининг ишчиси Раҳим Жузбоевнинг токарлик касбини эъзозлаб келаётганига 11 йил бўлди. У бу давр ичида кўпгина деталларга ишлов беришни ўрганди. Ўндан ортиқ қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган техникаларга айрим қисмлар ясашни ўзлаштириб олди. Суратда: Р. Жузбоев ўзи ясаган деталнинг аниқ ўлчовини текшириб кўрмоқда.**

**Суратқаш П. ЭРГАШЕВ.**

# ТАРБИЯВИЙ МАВҚЕИ КАТТА

ОИНАИ ЖАҲОН ВА ТОМОШАБИН

УШБУ мақолани Ўзбекистон телевидениесининг «Бобур» кўп серияли видеофильмини 10 кун мобайнида кўриб ёзишга киришдим. Мактаб болалари билан бўлган баҳслар ҳам шунга мажбур қилди. Дарҳақиқат, ҳар бир серия тўгагандан сўнг ўзим ўқитадиган IX синф ўқувчилари билан баҳс-мунозара қилдик. Тўғриси, муаллим сифатида мен ҳам шундай қулай имкониятни сира бой бергим келмасди. Бизнинг тарбиявий иш режамизда қандай аҳлоқий ғояларни сингдиришимиз керак бўлса, ушбу асарда ҳаммаси мужассам эди. Бунинг устига аксарият болалар видеофильмнинг серияларини интизорлик билан кутдилар. Тасодифни қарангки, адабиёт бўйича ўқув режасига мувофиқ айни шу кунларда Бобур ижоди, «Бобурнома»дан парчалар ўқитилиши керак эди. Аминманки, минглаб адабиёт муаллимлари учун ушбу кўрсатув жуда асқотган бўлиши керак. Лекин гап бунда эмас. Нафақат мактаб ўқувчиси, балки катта ёшдаги кишилар учун ҳам Бобур ва XV аср тарихи янгилик бўлиб кирди десам ҳеч муболаға бўлмайди. Қайси мунозарада бўлманг, хоҳ катталар, хоҳ болалар билан гаплашманг, ўз тарихимизни билмасликларини тан оладилар. Мактабларни битириб кетганларни ҳам миллий тарихни билмасликларига айбни кимдан қидириш керак?! Қойилмақом қилиб Ўзбекистон тарихи ва адабиётини ўқитдикми? Йўқ! Аччиқ сабоқни энди тортмоқдамиз. Нафақат Бобур, балки бошқа улуғларимизни ҳам номигагина ўргандик. Айримлари ҳақида эса умуман билмаймиз.

Севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг ҳам бу романи асоссиз «калтакларга» учрагани ва нима учун ойнаи жаҳон юзини олдинроқ кўрмагани сабаби энди ҳеч кимга сир эмас. Касбкорим адабий ёки театр танқидчиси бўлмаса ҳам, лекин оддий томошабин сифатида «Бобур »видеофильмига оид холис фикрларимни ифодалаш ҳуқуқимдан фойдаланмоқчиман.

Ижодкорлар ушбу видеофильмда жуда катта муваффақиятларга эришишган. Айни шу каби асарлар кўпроқ саҳналаштирилса, йўқотилган тарихимиз қайта тикланиб, ойдинлаштириларди. Очиғини айтганда, ҳозир мактабда кимга қийин—тарих ва адабиёт ўқитувчиларига қийин. Дастурлар янги, ғоя кундан-кунга ўзгараяпти. Ўзбекистон ССЖ тарихини эса ўқувчилар онгига қандай қилиб сингдириш воситалари йўқ. Қўлланмалар эса эндигина пайдо бўлмоқда. Сўзсиз ўқитувчи турли ташқи манбалардан фойдаланишга мажбур. Айниқса ўзбек классик адабиётининг XV аср охири XVI аср бошларида яшаб ижод этган атоқли намояндаси Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг қарама-қаршиликларга бой, мураккаб ва қисқа ҳаётида анчагина асарлар яратган бўлсада, бизгача уларнинг ҳаммаси етиб келмаган эди. Видеофильмда унинг кенг қамровли ҳаёти жуда тушунарли тасвирланган. Ушбу даврга оид темурийлар авлодининг зиддиятлари, шайбонийхонлар юриши ва унинг тор-мор этилиши гарчанд тарих дарсликларида ёзилган бўлса-да ўқувчилар ушбу даврни кўз олдиларига яхши келтира олмас эдилар. Биз муаллимлар учун (балки барча ота-оналар учун) энг бебаҳоси — кўрсатувдаги Бобурнинг оиласи, яқинларининг аҳлоқий қарашларидан фойдаланиш ҳар қандай тарбиянинг жозибали бўлишида ва бу орқали ўқувчиларни миллий маданиятга ҳурмат руҳида тарбиялашимизда муҳим аҳамиятга эга.

Отанинг ўз фарзандларига, уканинг опасига, фарзандларнинг ўз оналарига, тоғанинг жиянга муносабатлари, муомала маданияти нафақат ўқувчиларга, балки кўпчиликка сабоқ бўлди десам янглишмайман. Шу ўринда бугунги кунимизда бир-биридан юз кўрмас бўлганлар, қариндош-уруғчилик қадрини йўқотган, ота-онасини ташлаб қўйган, етим фарзандлари кўз ёшини оқизганлар ўзларига тегишли хулосани Бобур ҳаётини кўриб чиқарган бўлсалар шуни ўзи катта бахт. Эркакларимиз ҳам аёлларга муносабатини Бобурдан ўрганишса арзийди. Амалпарастлик, айш-ишрат, майхўрлик оқибатлари нима бўлиши шундай яққол кўрсатилганки, шахсан мен суҳбатда бўлган ўқувчиларда Аҳмад танбалга, Шайбонийхонга, Бобурнинг ўгай укаси ва онасига нисбатан нафратларни яширмадилар. Ҳа, ўтмишимизда ҳам шу каби разил иллатлар оқибати ёмонлигини ўша давр ҳаёти орқали шундай тасвирланганки, гўёки худди бугунги кунимизда ҳам шу каби иллатлар ҳар қандай кишини ўнглай олмайдиган инқирозларга олиб келиши, табиий.

Бу премьеранинг муваффақиятига яна бир нарса сабаб деб ўйлайман. У ҳам бўлса ислом аҳлоқ-одоби, Қуръон сураларидан тиловатлар, марҳумларнинг хотиралари жараёнлари очиқ-ойдин кўрсатилганидир. Бу томошабинларни оҳанграбодек ўзига мафтун этди. Маълумки, давр тақозоси билан илгари шу каби томошаларда дин арбоблари, ислом ақидалари бузиб кўрсатилар, кўпинча тўқима образлар ясалиб, асар қаҳрамонларига қарама-қарши қилиб қўйилар эди. Назаримда, ортиқча сунъийлик азобини энди тортмоқдамиз, шекилли.

Кишиларнинг маънавий қиёфалари, дин, ҳокимият, фан, ёр муҳаббати, Ватанни қўйлаш, ҳаётни севиш, фарзандлар камолоти, китобни улуғлаш, турли миллатларни камситмаслик, дўстлик шоир ҳаётининг ўзаги эканлиги барча серияларда ўз ифодасини топган. Болаларимиз ҳам буни ҳис этиб турдилар. Мана, Бобур ҳақида ўқувчиларнинг ёзганларидан намуна келтираман. IX синф ўқувчиларига видеофильм ҳақида ўз фикрларни ёзиб келиш топширилган эди: «Ҳар қандай инсон ўз ҳаётида, ҳулқ-одобида яхшиликни дастур қилиб олмоғи даркор. Киши қўлидан келганича одамларга яхшилик қилиши керак. Бобур фикрича, яхшиликнинг маъноси мамлакатни обод қилиш, илм-фанни эгаллаш, олийжаноблик, тили ширинлик, ростгўйлик каби хислатлардир. Бобур ўз атрофида ана шундай фазилатли кишиларнинг бўлишини жуда хоҳлайди. Бундай кишиларни мукофотлайди. Яқинда «Адабиёт»дан ёдлаган рубойини телевизорда ашула қилиб айтганларида у хотирамдан беҳосдан қўшиб қуйлаворганимни ўзим ҳам билмай қолдим:

**Ҳар кимки вафо қилса,**
**вафо топқусидур,**
**Ҳар кимки жафо қилса,**
**жафо топқусидур.**
**Яхши киши кўрмагай**
**ёмонлиғ ҳаргиз.**
**Ҳар кимки ёмон бўлса,**
**жазо топқусидур.**

Бобур бобомиз шу рубойини пасткаш, бевафо одамларга бағишлаган бўлсалар керак», деб тугатади ўз фикрларини ўқувчи.

Юқоридаги таассуротларни қиз бола ёзган эди, энди ўғил бола ёзганига бир эътибор беринг-а: «Менга Бобурнинг йирик ҳукмдор, моҳир саркарда, ақллилиги жуда ёқди. Айниқса, жуда кўп жангларда ғолиб чиққанлиги уни зўр ҳарбий эканлигини билдиради. Гарчанд Афғонистон, Ҳиндистонни қўшин тортиб эгаллаб олса-да, у ерларни таламайди, балки обод қилиш, давлат яратишни ўйлайди. Шоҳ бўлиб туриб ўз Андижонини ўйлайди, тақдирнинг аччиқ қисматига кўникади. Шунинг учун бўлса керак, менга мана бу ашула ёқди:

**Толеъ йўқи жонимга**
**балолиғ бўлди,**
**Ҳар ишники айладим**
**хатолиғ бўлди,**
**Ўз ерни қўйиб,**
**Ҳинд сори юзландим,**
**Ёраб, нетайин, не юз**
**қаролиғ бўлди.**

Мен Бобурдек мард, ботир ва қўрқмас бўлишга ҳаракат қиламан».

Мен болалар қандай ёзган бўлса, шундайлигича кўчирдим. Ёш қиз ва ўғилга Бобурнинг ҳаёти қандай таъсир этганини ўзингиз хулоса қилинг. Зора вафо, ватанпарварлик ёшларимизга қандай таъсир этса ҳамма юртдошларимизга шундай таъсир этса.

Маълумки, жумҳуриятимиз маорифи олдида миллий мактаб яратишдек жуда мураккаб вазифа турибди. Бундай мактабни қуруқ ваъз, ҳозирги мавжуд ўқув воситалари билан яратиб бўлмайди. Бу хайрли ишга бутун зиёлилар аҳли, айниқса, адабиётчи, тарихчи, телевидение, театр, кино, муаллимлар, рўзнома ва ойнолари даркор. Зеро биз орзу қилаётган миллий мактабга барча ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи ҳам қарз, ҳам фарз. Ўтмишимиздаги барча яхши урф—одатларимизни, таълим воситаларимизни, илм-маърифат ўчоқларимизни, кенг ташвиқот қилинмоғи ва болаларимизнинг қалбларига сингдиришимиз лозим. Яхши ҳулқ, одоб, илм муқаддаслаштирилаверсин. Мактабда ўқиб юрган кезларимизда кекса муаллимларимиздан бири шундай дер эдилар: «Суҳбати яхши китобларнинг ўрнини босадиган одамлар билан суҳбатлашинг ва ўқиганингизда алломалар билан суҳбатлашгандай китобларни ўқинг.» Дарҳақиқат, Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи ва Мақсуд Юнусов саҳналаштирган Бобур» видеофильми халқимиз қалбига аллома Бобурни қайта олиб кирди, гўёки ўз авлодларига аҳлоқ-одобдан сабоқ бергандек бўлди. Миллий мактаб яратишга яхшигина туртки бўлди. Кўп сонли ўқувчи ва муаллимлар номидан видеофильмни тайёрлаган ижодий ходимларга ташаккур билдирамиз. Ўйлаймизки, Ҳумоюн даврига ҳам махсус китоб ёзилади ва видеофильм давом этади.

**Баҳтиёр КАРИМОВ,**
**Тошкент шаҳар, Чилонзор ноҳиясидаги 138-мактаб муаллими.**

# БОБУР ҚАСИДАСИГА

**«Амир Темур —**
**бобокалоним,**
**Умаршайхдир падарим-**
**отам.**
**Тошкент хони — чин**
**Юнусхоним,**
**Қутлуғнигор — тадбиркор**
**онам.**

**Танлаб катта бобом**
**йўлини,**
**Ҳинду сари айладим**
**сафар.**
**Кездим юртнинг тоғу**
**чўлини,**
**Қўлда қалам, туғим**
**музаффар.**

**Ҳиндистонда тутдим ошён,**
**Дил қувончим, етти**
**дилбандим.**
**Оташ қалбда чарх урди**
**туғён,**
**Тўртта ўғлим, уч қиз —**
**фарзандим.**

**Муҳаммад Ҳумоюн**
**тождорим,**
**Мен, падарга суюкли**
**ўғил.**
**Комрон, Асқарий, Мирзо**
**Ҳиндолим,**
**Шуларла шод эзилган**
**кўнгил.**

**Гулрангбегим,**
**Гулчеҳрабегим,**
**Бокиралар — дил**
**овунчоғим.**
**Қалам тутган**
**Гулбаданбегим**
**Ҳеч сўлдирмас яратган**
**боғим.**

**Андижонда туғилдим-**
**ўсдим,**
**Ҳиндистонда боғлар**
**яратдим.**
**Мусаввирлар бўлишди**
**дўстим,**
**Халқим дея қалам**
**тебратдим.**

**Изтироб-ла умрим**
**сўнгида**
**Кўҳакийни кўриб**
**севиндим.**
**Суҳбат қургач, кўзим**
**ўнгида**
**Тошкентимни кўргандек**
**бўлдим.**

**Шеъриятга қўйганда**
**қадам,**
**Навоийни эсладим такрор.**
**Рубойилар яратдим .**
**шаҳдам,**
**Асарларим — қувонч,**
**ифтихор.**

**Эй, севимли азиз**
**авлодим,**
**Боғ яратдим ҳинд**
**ўлкасида.**
**Жоним чиқар, қалбимда**
**додим,**
**«Бобурнома»м мендан**
**қасида.**

**Таним қолур ҳинд**
**туфроғида,**
**Ғазалимга қуйлар**
**басталанг.**
**Бобур дебон суҳбат**
**чоғида**
**Руҳим учун сокинлик**
**тиланг».**

**...Сўнгги сўзи шу бўлди,**
**дўстлар,**
**Танасидан чиқар экан**
**жон.**
**Шоҳ рубоиё яратди,**
**дўстлар,**
**Дил қони-ла, келтириб**
**имон:**

**«Ё қаҳру ғазаб бирла**
**туфроқ қил,**
**Ё баҳри иноятингда**
**мустағроқ қил.**
**Ё раб сенгадур юзум**
**қаро, хоҳ оқ қил,**
**Ҳар навъи сенинг ризонг**
**эрур, андоқ қил».**

**Шоший бугун тарих**
**варақлаб,**
**Бобур номин қилади**
**эъзоз.**
**Азизларни эслаб-**
**сўроқлаб,**
**Бир қасида яратди**
**мумтоз.**

**Сиддиқхўжа ШОШИЙ.**

*Муштарий илтимосига кўра*

КАЙКОВУС

# ҚОБУСНОМА

**Ҳурматли муштарийлар! Кайковуснинг «Қобуснома» асари бобларидан парчалар беришни давом эттирамиз.**

**26-боб**

## УЙЛАНИШ ҲАҚИДА

«Эй фарзанд! Агар уйланишни истасанг, ўз ҳурматингни яхши сақлагил. Гарчи мол қадрли бўлса ҳам, хотин ва фарзанддан аямагил. Уларга яхшиликни зое деб билмагил...

Уйланмоқчи бўлсанг, унинг молини талаб қилмагил. Ҳаддан ташқари хушрўй хотин (ҳам) олмагил... Хотиннинг табиати тоза, дили пок бўлса, эрига дўст бўлгай. (Хотин) ҳаёли, ўзини тута билувчи, молни яхши сақловчи бўлиши лозим. Дебдурларким: яхши рафиқа эрининг ва умрнинг роҳатидир...

Уйланадиганинг камолга етган, оқила, онасининг уй бекаси, отасининг уй бошлиғи эканини кўрган ва билган бўлиши лозим. Агар шундай нозанин қизни топсанг, тезда уйлан...

Агар сен хотинингга (ноҳақ) рашклик қилмасанг, раш, суриштириш деган одатларимиз мавжуд бўлган. Шайх Саъдийда шундай байт бор:

**Ғам чекма: нон бўлиб,**
**емоққа**
**дандон бўлмаса,**
**Чин мусибат будир:**
**дандон**
**бўлиб, нон бўлмаса!**

Дарҳақиқат бу байт маъносини тушуниб етган одам: «Камбағал бўлса ҳам, одамийлиги бор бўлсин; моддий бадастур бўлиб, маънавий қашшоқ бўлмасин»,— дейиши табиий.

Ёшларни мустақил ҳаётга йўллар эканлар ҳар бир ота-она аввало фарзанди ҳаётида ўз ўрнини, ўз тенгини топишини орзу қилади. Ўз тенги деганда нима назарда тутилади? Албатта, маънавий тенглик! Афсуски, кўп ҳолларда ўз маънавий тенгимиз бегона аёл (аёл учун эркак) билан суҳбат ва суҳбатлар давомида топилгандек бўлиб туюлади. Биз ўзимизни шунга ишонтира борамиз. Ўйнимиздаги эса борган сари тенгимиз бўлмай қолавераді. Баъзи ҳолларда эса турмушни бузиб, ўша — бегона «ўз тенгимиз»га сиғиниб борамиз. Нега шундай? Ё ўз жуфти ҳалолимиз чиндан ҳам шунчалар маънавий қолоқми? Агар шундай бўлса, турмуш қургунгача ҳам у билан ҳамсуҳбат бўлганмиз-ку, нега ўша вақтдаёқ сезмаганмиз?

Менимча бегонада кўраётган хислатларимизни ўз умр йўлдошимиздан қидириб кўрмаганлигимиз боис, унга хотин (эр) даражасидагина муомалада бўлганлигимиз учун ҳам уннинг фазилатларини пайқамай қолсак керак. Ахир, фазилат пешонадаги ғурра эмаски, ярқ этиб кўзга кўринса. Қадим машшойихлардан эронлик Бузург—меҳр: «Муҳаббат муҳаббатни чорлайди!»— деб нимани назарда тутган эди? Гоҳо кўчада совуриб юрган муҳаббатимизни уйга олиб келиб, умидвор ёстиқдошимиз билан баҳам кўрсак, эронлик донишманд нима демоқчи эканлигини англаб етишимиз аниқ!

**Дилмурод САИДОВ.**

* * *

**ТАЙЁРЛОВЧИДАН:** Бу галги чиқишимизда, айнан шу бобнинг келтирилиши балки кимларгадир эриш туюлар. Тўғри, халқимиз жуда андишали халқ. Шу боис бўлса керак, ота-оналар ўз фарзандига турли йўсинда панд изҳор қиладилару, уйланиш, турмуш қуриш ҳақида гап кетганда айрим лавҳаларни очиқ баён қилишга истиҳола қиладилар. Мазкур «Уйланиш ҳақида»ги бобда ўша истиҳола боис ҳам айтилмай қоладиган гаплар устида ҳам қисқача тўхтаб ўтилган. Зеро, турмуш қуриш, уйланишда дуч келинадиган масъул вазифалар баёнини қуёв жўра ва келин янга тили билан ёшларга бийдириш бизда одат тусига кирган. Ваҳоланки, фарзанд ҳаққини бажо этиш ҳар бир волидан муҳтарама ва падари бузруквор учун фарздир.

Ҳозирги кунда асосан: «Юрганини, севганини олиб бераман» ёки «юрганига, севганига узатаман»,— деймиз. Шахсан мен бунга сира қарши эмасман. Аммо қадимқадимдан етти пуштини сўраб, ўзларидан ўтган ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлур ва сенинг учун шундан ортиқ дўст киши бўлмайди. Агар сен унга (ноҳақ) рашклик қилсанг, у сенга душмандан ҳам душманроқ бўлур, унинг олдида бегона душман ип эшолмай қолади.

Агар (уйлансанг) ҳар қанча уни яхши кўрсанг ҳам, ҳар кеча у билан ётмагил, у барчанинг одати шундай ўйлайди ва баъзи вақтда сенинг узринг бўлса, у (вақт) хотиннинг сенсиз сабр қилади...

Ҳақиқий рашкни бажо келтиргил, беномус ва берашк кишини эр демагил. Беномус киши динсиз бўлур!..

# ДАМ ОЛИБ ҚАЙТИШДИ

ТОШКЕНТ шаҳар халқ таълими инспектори Дилором Хожиакбарова ҳар йилгидек бу йил ҳам хурсанд. Мактаб ўқувчиларининг қишки таътили бўйича белгиланган сермазмун дастур тўла амалга ошди. Унга кўра пойтахт мактабларида очилган лагерларда 7 минг бола кўнгилли дам олди. Айниқса, Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Киров, Ҳамза ноҳияларида кашшофлар ва ўқувчиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратиб берилди.

Бундан ташқари 810 нафар бола пойтахтдан ташқаридаги «Кристалл», «Радуга» «Сўқоқ», «Ўзбекистон 50 йиллиги» кашшофлар лагерларида бўлдилар.

Барча ноҳияларнинг мактаблардаги бошланғич синф ўқувчилари Ленин майдонида ўрнатилган «катта арча» атрофидаги томошаларда қатнашдилар. Акмал Икромов ноҳияси марказида эса кичкинтойларни 17 метрлик арча ўзининг «қувноқлар даврасига» чорлади.

Шунингдек, шаҳардаги бир қатор мактаб ўқувчилари таътил пайтида Москва, Ленинград, Рига, Харьков шаҳарларида саёҳатда бўлиб қайтдилар.

**Д. ИЗАТИЛЛАЕВА.**

# СПОРТ

**ЎРИНБОСАРЛАР КУРИГИ**

**Жумҳуриятимиз шарафини ҳимоя қилган эркин курашчилар: олимпиада ва бир неча бор жаҳон чемпионлари бўлмиш Арсен Фадзаев, акаука Хадарцевларни спорт мухлислари яхши эслайдилар. Бу машҳур курашчиларнинг ўз она юртларига кўчиб кетишлари Ўзбекистон терма командасига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шунга қарамасдан жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан ёш, келажаги порлоқ курашчилар етишиб чиқмоқдалар. Шу сабабдан бўлса керак, айни кунларда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш мухандислари олийгоҳининг спорт залида олимпия ўринбосарлари тайёрловчи билим юртлари ўртасида ССЖИ биринчилиги ўтказилмоқда.**

**Мазкур мусобақаларда спорт усталари Рамиль Исломов, Анатолий Кушев, Абдулҳай Зуфаров, Искандар Мансуров, Николай Тарасенко, Олег Пронин, Геннадий Гогичаев каби ёш курашчилар Ўзбекистон терма командаси сафида гиламга чиқмоқдалар. Вакилларимиз билан жумҳуриятда хизмат кўрсатган тренер Александр Горелик ва Павел Одилбоевлар тайёргарлик машғулотларини олиб боришмоқда.**

**Терма командамиз бош устози Энвер Абдураманов бу мусобақаларда ёшларимизнинг муваффақиятли иштирок этишларига катта ишонч билан қарамоқда. Сабаби у шу йилнинг асосий мусобақаларидан бўлмиш ССЖИ халқларининг X спартакиадасида шогирдларининг бўш келмасликларига сўз берган. Қани кўрайликчи, ёшларимиз устозининг умидлари рўёбга чиқармикан.**

**Р. АҲМЕДОВ,**
**спорт устаси, Бутуниттифоқ тоифадаги ҳакам.**

**ИШЧИ МУХБИРЛАР ДОРИЛФУНУНИ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси ҳузуридаги ишчи-мухбирлари дорилфунунининг навбатдаги машғулоти—11 январь соат 18.00 да 7-қават, 760-хонада бўлади.

**Муҳаррир ўринбосари Р. УМАРОВ.**


# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА
**29, 30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА,**
**1, 2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 ва 19.30 ДА**

**ЯНГИ ПРОГРАММА**

**«ҲАЗИЛ-3»**

**ҲАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ**

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**Мирза Холмедов, Обид Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Собит Асомов, Тўхтамурод Азизов ва бошқалар.**

**САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги давлат мукофоти лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.**

**Чипталар соат 11.00 дан сотилади.**

**Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.**

**«Юбилей» Марказий спорт майдонида**

**26—30 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ СОАТ 15.30 ВА 19.00 ДА**
«ХАНДА» ИЖОДИЙ МАРКАЗИ

**ДАМ ОЛИШ ВА ДАВОЛАНИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ**

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ ҲАЖВИЯ ВА КУЛГИ ИЖРОЧИСИ
АБДУФАТТОҲ САМАДОВ
**лирик хонанда**
ЖАМОЛИДДИН АКБАРОВ
**ҳамда кулги устаси ва раққоса**
САНОБАР РАҲИМОВА

**Даволаш сеансларини экстрасенс-гипнозчи САИДЖОН ТОШПЎЛАТОВ ўтказади.**

**Программани жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист ФАРҲОД БОБОЖОНОВ олиб боради.**

**Саҳналаштирувчи режиссёр — ШЕРҚУЗИ ҒОЗИЕВ.**

**Чипталар «Юбилей» Марказий спорт саройи ва Халқлар дўстлиги саройи кассаларида ҳар куни соат 11.00 дан сотилади.**

Авария натижасида ҳалокатга учраган ҳайдовчига моддий ёрдам беришни ҳайдовчилар жамоасини бахтсиз ҳодисалардан
Суғурта қилиш шартномалари

**ТАЪМИНЛАЙДИ**

Суғуртани шартнома қоидасига кўра, транспорт ташкилоти қилиши керак. Маъмурият меҳнат жамоаси уюшмаси ва касаба уюшмаси ташкилотлари билан биргаликда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, шаҳар электротранспорти корхоналарида ишловчи ҳайдовчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилдириши мумкин.

Шартнома 1 йилга тузилади ва суғурта бериш воқеаси рўй берганда (жароҳатлар, ўткир заҳарланиш ҳодисасида, ток уриши ва бошқалар) суғурта маблағи ёки унинг бир қисмини тўлаш кафолатини беради, нафақат ҳамма меҳнат мажбуриятларини бажараётганда балким ишга келиш ва қайтишдаги ҳодисаларда ҳам суғурта тўланади.

Суғурта бадаллари суғурта суммасининг 0,5 фоизи ҳисобида корхонанинг ишлаб чиқариш-иқтисодий ривожланиш шахсий маблағи жамғармаси ҳисобидан тўланади.

**Суғурта қилинадиган ҳар бир ҳайдовчи учун суғурта маблағининг энг кичик ҳажми — 1000 сўм.**

Суғурта қилдириш ва шартномалар тузиш шартлари билан яқиндан танишиб шартнома тузмоқчи бўлсангиз транспорт ташкилоти жойлашган ердаги Давлат суғурта назоратига мурожаат қилинг.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.**
**«ЭРА» ТАЖРИБА РЕКЛАМА-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АГЕНТЛИГИ.**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ НАШРИЁТИ пўлат шильдлар, штрихли ва растрли рух клишерлар тайёрлаб бериш юзасидан
**БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Латун шильдлар буюртмачи тавсия қилган материалларда тайёрланади.

Буюртмалар сешанба ва жума кунлари қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700029, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй «Пресса» магазини.


## ОЙНАИ ЖАҲОНДА

### Жума

**11 ЯНВАРЬ**

**● ЎзТВ I**

11.30 Машшоққа ўқ узманг. Телефильм. 12.00 Атрофимиздаги шифобахш ўсимликлар. Ҳужжатли фильм. 12.20 Қор маликаси. Бадий фильм. 18 05 Янгиликлар. 18.10 Леопольднинг автомобили. Қоплон учун уй. Мультфильмлар. 18.30 Умид учқунлари. 19.30 «Ахборот». 19.50 Элга хизмат: талаб ва таклиф. 20.20 Тижорат хабарлари. 20 30 «Ахборот». 20.50 Маърифатнома. 21.30 «Время». 22.15 Янги йил базми. Адабий-мусиқий кўрсатув. 24.00 Янгиликлар.

**● ЎзТВ II**

19.05 «Бу оқшомда». Янги йил кўрсатуви такрорланади.

**ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ**

21.30 «Время». 22.15 Нидои магиен Усто Сирож. 23.15 Иф қасрининг маҳбуси. Иккинчи фильм. Қайта яратгайман.

**● МТ I**

7.00 «Тонг» (120+30). 9.35 Николай Вавилов. Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5—6-сериялар. 12.30 ТЯХ. 12.45 М. Горький номли киностудиянинг 75 йиллигига. Фил ва арқонча. 13 30 16 ёшгача ва ундан катталар. 15.30 ТЯХ. 15.45 М. Горький номли киностудиянинг 75 йиллигига. Ўсмирлар коинотда. Бадиий фильм. 17.10 Аёлни изланг. Хотин-қизлар бадиий-публицистик ойномаси. 17.30 Образ. Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 18 15 1991 йил — Моцарт йили. Композитор асарларини А. Любимов ижро этади. 19.00 ТЯХ. 19.15 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.45 «ВИД» программаси 20.00 Николай Вавилов. Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия 21.30 «Время». 22.15 «ВИД» таништиради: «Взгляд», «Эм-ти-ви». 01.15 Тўй олдидан тўй саёҳати. Телевизион бадиий фильм. 02.20 Биродарлар, Русь шон-шуҳратини эслайлик. Москва ҳарбий округи ансамбли иштирокида мусиқий программа. 02.55 Денгизга йўл.

**● МТ II**

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 9.15 Зиёрат Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Мусиқа. 7-синф. М. Глинка Вальс фантазия. 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун 11.35, 12.35 Жўғрофия. 6-синф. Қурукликдаги сувлар. 12.05 Онам, дадам ва мен. 13.05 Доктор Бизовнинг оддий ҳаёти. Телевизион ҳужжатли фильм. 14.05 Қримтатар давлат «Ҳайтарма» ансамблининг концерти. Қозондан кўрсатилади. 14.50 Собиқ ота, собиқ ўғил. Телевизион бадиий фильм 18.15 Тингланг. Композитор М. Мулявиннинг М. Маяковский шеърларига яратган асарлари. 19.10 Мактаб. Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.55 Шарқ бозори. Ганжина фольклор ансамблининг чиқиши. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. Муз устида цирк 20.45 Коллаж. 20.50 Лаҳзалар. Екатерина Шаврина куйлайди. 21.15 Спорт ҳамма учун. 21.30 «Время». 22.15 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 23.15 Гран-па. Телевизион бадиий фильм.

Буюртма — 4729. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 61672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12